Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 3 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 27 (7120)

Da`vat

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Жон ЛОКК

Ibrat

Галлаорол туманидаги Э. Исмоилов номли ширкат хўжалигига қарашли Ҳасан Назаров етакчилигидаги фермер жамоаси тумандаги 11-мактабга 25 минг сўм ва А. Икромов номидаги мактабга 20 минг сўм моддий ёрдам ажратди ҳамда 15 нафар аълочи ўқувчилар учун стипендия тайин этди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Собит Аҳмадович Алимбоев Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли кучлар, чегара, ички ва қоровул қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлигининг алоҳида хизмат кўрсатган ходимларидан бир гуруҳи ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

• Туркиянинг Истамбул шаҳрида номаълум шахс томонидан шаҳар марказидаги Таксим майдонида турган полиция автомобили портлатиб юборилди, натижада бир киши ҳалок бўлди, етти киши тан жароҳати олди.

• Хитой билан Вьетнамнинг чегарадош ҳудудларини миналардан тозалаш борасида ўтказилган тадбир натижасида 600 мингдан ортиқ мина зарарсизлантирилди.

• Анголадаги УНИТА исёнчилар ташкилотининг қуролли гуруҳлари стратегик жиҳатдан муҳим саналган Куито ва Маланже шаҳрини ўраб олган.

Тошкентдаги янги технология бўйича республика касб-ҳунар лицейи ўқувчилари 7 турдаги ихтисослик бўйича билим оладилар. Таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи солиқ назоритчи- ҳисобчи, ЭҲМ оператор-ҳисобчи, савдони ташкил қилувчи брокер, ошпаз- тарбиячи ёрдамчиси, электрогаз пайвандчиси - авточилангар, чилангар - йиғувчи- авточилангар, совутгич ускуналари бўйича чилангар, электромонтёр сингари касб-ҳунарларни ўрганади.

Суратларда: 1-лицей директорининг ўринбосари Абдуманноп Абдусатторов. У таълим ва ишлаб чиқариш жараёни ҳақида суҳбатлашмоқда.

* Ўзбекистоннинг мустақил фикрловчи бўлажак мутахассислари.

* Лицейнинг биринчи курс талабалари информатикадан сабоқ олаётирлар.

Суратларни Равиль Альбеков олган.

ЎзАнинг хабарига кўра 1 апрель куни Президентимиз Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди. Президент сафари олдидан оммавий ахборот воситалари ходимларига ушбу сафарнинг моҳияти хусусида интервью берди.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича:

— Ўзбекистоннинг МДҲга аъзо бўлишидан асосий мақсади, илгари ҳам таъкидлаганимиздек, ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Шунинг учун мен бу тузилма негизида собиқ иттифоқни тиклашга уринишга мутлақо қаршиман.

Юртбошимиз Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган мингдан ортиқ ҳужжатларнинг атиги 10-15 фоизи иқтисодиётга тегишли эканини алоҳида таъкидлаб:

— Айни пайтда МДҲ мамлакатларининг «бошини қовуштириш» учун ташкил этилган идораларда минглаб одамлар ишлайди.

НАВБАТДАГИ САФАР ТАФСИЛОТИ

Бундай олиб қараганда, улар қилаётган ишнинг тайини йўқ. Биз бундай идоралар, улардаги маош олаётган ходимлар сонини 50-60 фоизга қисқартиришни таклиф этамиз, — деди.

Шунингдек, Президентимиз жаҳондаги бугунги вазиятга, шу жумладан, Косово можароларига ҳамда 30 март куни Хоразм вилоятидаги «Саримой» ДАН постида содир бўлган нохуш воқеаларга ҳам ўз муносабатини билдириб ўтди.

Президентни Тошкент аэропортида Олий Мажлис раиси Э. Халилов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Пацев кузатиб қолди.

* * *

2 апрел куни Кремлда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ҳамдўстлик ва халқаро доирадаги долзарб муаммолар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Сўнгра давлат раҳбарлари ва уларга ҳамроҳлик қилаётган расмий делегация аъзолари иштирокида ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда МДҲ фаолиятини Ҳамдўстликка аъзо бўлган барча давлатлар манфаати нуқтаи назаридан такомиллаштириш, Ҳамдўстлик шартномавий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш, тузилма органлари тизимларини такомиллаштириш, хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ялпи мажлисда Россия Федерациясининг Президентининг Федерациясининг кенгашидаги вакили бўлиб ишлаб келган Юрий Яров МДҲ ижрочи котиби этиб тайинланганлиги маълум қилинди.

Ялпи мажлис ниҳоясида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда 1994 йил 15 апрелдаги эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Протокол, МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Декларация, МДҲ органларида раислик тартиби тўғрисида, МДҲ органлари тизимини такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш тўғрисида, Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари Кенгаши ва ҳукумат бошлиқлари Кенгаши ўртасида ваколатларни тақсимлаш тўғрисидаги ва бошқа қарорлар, шунингдек, МДҲга аъзо давлатларнинг жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш Концепцияси ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Шу билан МДҲ давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги саммити ниҳоясига етди.

* * *

2 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Москвадан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

РАҲБАР КЕЛАЖАККА ДАҲЛДОР

Munosabat

Маълумки, яқиндагина Хоразм вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Мамлакат аҳли оммавий ахборот воситалари орқали вилоятдаги бугунги аҳвол билан танишди. Ўзини шу азиз юрт фарзанди деб билган ҳар бир одам юртбошимизнинг ушбу сессияда сўзлаган нутқи моҳиятини англаб олган бўлиши табиий. Хоразм воҳаси тупроғига, қоларверса, хоразмликлар табиатига мос бўлмаган баъзи амаллар хусусидаги фикрлар айниқса, зиёлиларимизни, ота-оналаримизни бефарқ қолдирмади. Вилоятда қишлоқ хўжалиги, иқтисод, маиший хизмат соҳаларидаги йўл қўйилган камчиликларни таъбир жоиз бўлса, халқнинг бугунги кунигагина хос муаммолар дейиш мумкин. Лекин айрим раҳбарларнинг келажакка дахлдор, унинг асоси бўладиган бугунги кун маънавиятига бефарқлигига чидаб бўлмайди. Демоқчиманки,соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида ачинарли аҳволга тушиб қолгунча «томошабин» бўлиб ўтирадиган раҳбардан кимга наф бор? Авария ҳолатидаги мактаб биносида техник воситалар у ёкда турсин, оддий ичимлик суви билан таъминланмаган, фан йўналишлари бўйича мутахассис ўқитувчиси бўлмаган ўқувчи ким? Келажак эмасми? Ана шундай зерикарли, янгиликсиз, алмисоқдан қолган муҳитдаги билимга чанқоқ ёшлар онгини ёт «сабоқ»лар эгаллаб олмайди деб ким кафолат бера олади.

Узини билган раҳбар Президентимизнинг — «Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга одил ва ҳаққоний баҳо берадиган мезон – шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир» – дея айтган сўзларидан етарлича сабоқ олиши мумкин. Чунки халқ раҳбар салоҳиятини унинг маънавияти билан ўлчайди. Биргина маънавият инсоннинг ташқи кўринишида, сўзида, ва ҳар бир амалида намоён бўлиб туради. Демак, у ибрат бўла олиши ва шунга интилиши керак. Акс ҳолда халқ фикри, ҳоҳиши ва имкониятлари билан ҳисоблашмаслик, ўзига халқ кўзи билан қарай олмаслик нохуш оқибатларга сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, бундай оқибатларни бартараф этишдан кўра, унинг сабабларини аниқлаб ўз вақтида чора-тадбирлар белгилаш бугунги кун талаби бўлиб қолаяпти. Бу масъулият эса, халқ ўз келажагини ишониб қўйган раҳбарлар зиммасида қолаверади.

Фахриддин КАРИМОВ

Замонамизнинг кичик қаҳрамонлари 4-бет

ИНСОНИЙЛИК ИБТИДОСИ

Xotira muqaddas

Бизга меҳр-муҳаббат, оқибат ўша азалдан, Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос. Шундан буёғига бани одамнинг кўнгил аталмиш хиссиётида учқунча бўлса ҳам шу туйғулар гоҳ гуриллаб, гоҳ сўниб, давомийлик касб этиб келяпти. Ана шу сўнишу ёнишларга теран нигоҳ билан синчиклаброк назар ташласангиз, ўзлигию маънавияти кишанда бўлган элдан меҳр-оқибат ҳам кўтарилар экан. Мана, Шўро даври бунга бир мисол. Қалбига манқуртлик қурти тушган ука акани отади, ўғил отага қарши боради. Аслида бундай хиллатлар ўзбекнинг тийнатига ёт. Бироқ, маънавий оғу ҳар қандай тийнатни ҳам заҳарлаб ташлар экан.

Халқимиз ўртасидаги меҳр-оқибат Мустақиллигимиздан сўнг баравж олди, десам, кўпчиликка эриш туюлиши мумкин. Лекин, ҳақиқатан ҳам шундай. Чунки, ягона ният, мақсад, эътиқод элни бир-бирига яқинлаштиради, муҳаббатлик қилади. Ҳозир халқимиз ягона ўй-мақсад теварагида бирлашган. Доно боболаримизнинг ибратли ҳаёти, инжуларга тенг қолдирган маънавий мерослари ушбу кунларда ёдларимизга яқинлашди. Улардан биз — авлодлар маънан озиқланиш баробарида, тўғдай мағрурланмоқдамиз.

Президентимизнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармонларидан сўнг юкориларги фикрлар кечди, менда.

Дарвоқе, яна бир гап. Ўқувчиларни аждодларга ҳурмат, бир-бирига меҳрли қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу меҳр негизида халққа, Ватанга муҳаббат пайдо бўлади.

Саъдин ПАРДАЕВ, Чироқчи туманидаги 128-мактаб директори

ТАРИХ ТИЛГА КИРАДИ

Anjuman

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 9-мактабнинг тарих фанига ихтисослаштирилган махсус мактабга айлантирилганлигига бағишлаб тақдимот маросими ўтган ушбу кун мактаб тарихига заҳрал ҳарфлар билан битиладиган бўлди. Маросимнинг кўтаринки руҳи, қатнашчиларнинг байрамона кайфияти ҳам бунга ҳамоҳанг эди, гўё. Аслини олганда, Президентимиз ташаббуси билан бошланган ҳақиқий тарихимизни тиклаш, яратишнинг дастлабки қадамларидан бўлган республикамизда худди шундай 4 та ихтисослиштирилаётган мактабнинг бири сифатида ушбу илм маскани танланиши ҳам мактаб учун катта воқеа эди. Бунинг ҳам ўзига яраша тарихи бор экан.

Йигилишда Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев айтганидек, аввало, бу ерда бунга илмий замин мавжуд эсада ЎзФА тарих институти билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиб муҳит яратилибди, педагогик жамоа шакланибди. Шу куни мактаб ўқувчиларининг тарихни тилга киритган бадиий чиқишларида илғаб олинган самимиятдан, теранликдан бошланган ишнинг келажагига ҳам яна бир карра ишонч ҳосил қилинди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ушбу мактабда тарих бўлимининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бунда жамланган мўъжаз тарихий ёдгорликлар, суратлар, улуғ аждодларимизнинг ҳаёти акс этган битикларини кўрганда кўпчилик ўзини тарих музейида турғандек ҳис қилган бўлса ажаб эмас. Негаки, ундан шундоққина ўтмиш ҳиди уфуриб турарди. Шундай қилиб иштиёқ билан киришилган эзгулик ишонч билан бошлаб берилди.

(Давоми 2-бетда)

Руҳшуносми ёки психолог? 2-бет

Yoshlar va huquq

Ҳуқуқий таълим-тарбия таянч таълимда дидактик маънода алоҳида ўқув фани ҳисобланади. Шу боис, ҳуқуқий билимлар ўқувчиларга ижтимоий ва табиий фанлар мазмунига боғлаб ўргатилади. Бунда фанларнинг ўзига хос хусусиятларига мос ҳуқуқий тушунчаларни ўргатишга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчилар махсус фандан эгаллаган билимларини ҳуқуқий нуқтаи назардан тушунтира олиш қобилиятига эга бўлиб борадилар.

Таянч таълимда ҳуқуқий тушунчаларни ҳамда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш қонуниятларини ўргатишда «Ўзбекистон тарихи» ва «Жаҳон тарихи» фанларга қарши курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби баҳодирларнинг ўчмас жасоратлари ҳамда Ватан олдидаги бурчни англаш туйғуси ишончли тарихий далиллар воситасида ёритилади. Ватанини ҳимоя қилиш бу ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги тушунтирилади ва айни пайтда, ҳар бир ўқувчи ўз миллатининг тарихи, бугуни ва келажаги учун масъуллиги қайд қилинади.

Жаҳон цивилизациясида Ўзбекистон ўзининг бой ўтмиши, маънавий ва маданияти билан муносиб ўрин эгаллайди. Ноёб меросни авайлаб-асраш фуқароларнинг қутлуғ бурчи экани Конституциямизда қайд этилганини ўқувчилар яхши билишлари лозим.

Буюк аждодларимиз эътиқоди, энг қадимий «Авесто» китоби, Ислом динининг Туркистон халқлари онги ва тафаккуридан ўрин олиши, тарихи, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар тўғрисида тарихий билимлар ўзлаштирилаётганда виждон ва эътиқод эркинлиги тўғрисида кенг, асосли тушунчалар бериладики, бу айни пайтда ҳуқуқий тушунча ҳамдир.

Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, миллий давлатчилигимиз 3 минг йиллик тарихга эга. Унинг илдизи Хоразм, Бақтрия, Шош-Илоқ, Паркана, Сўғдиёнага бориб

(Давоми 2-бетда)

АДОЛАТ МЕЗОНИ – ЖАМИЯТ ТАРОЗУСИ

(Ҳуқуқий таълим-тарбиянинг тарих ва адабиёт фанлари билан узвий боғлиқлиги масалалари тўғрисида)

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

ФИКРЛАШ АЗОБИ

Кеча бўлган, бугун бўлаётган, эртага бўлиши мумкин бўлган ҳамма фожеалар фикрсизлик «болаларидир». Энгельс бизни алдади: «Одамзот меҳнат қилавериб маймундан одамга айланган, бизнинг ота-боболаримиз маймун бўлган», деди. Биз ишондик. Энгельс алдамайди деб ўйладик-да. Чунки «доҳий»лар адашмайди. Ҳойнаҳой, улар қони тоза, улуғ маймунлардан ажралиб чиққан бўлса керак деб ўйладик-да биз. Лекин меҳнат қилавериб, маймуннинг одамга эмас, одамнинг маймунга айланиб қолиши мумкинлиги кўриниб турарди. Фақат биз кўрмасдик. Йўқ, кўрардик. Бироқ, ўзимизга ишонаолмасдик. Қаранг-а, фикрсизлик одамни ўзидан қанчалар йироқлаштириб қўяр экан. Хўш, натижа нима бўлди? Натижада бизнинг дахшатли фожеамиз – Оллоҳсизлик бошланди. Фикрсизлик – Оллоҳсизликдир.

Чингиз Айтматовнинг бир асарида манқуртлик ҳақида бир ривоят келтирилади: манқурт ўғил ўз онасини танимай ўлдиради. Чунки йигитга онани ўлдириш кераклигини уқтирган эди. Манқурт ўғил ҳеч иккиланмай ўз онасини отиб ташлайди. Ўғил манқурт бўлгани учун ўз онасини танимайди. Лекин шу ерда ўғилнинг ким бўлишидан қатъий назар бир инсонни ўлдириш ҳолатини нима деб изоҳлаш мумкин? Ахир, ўлдир деган сўзни тушунган одам ўлим нималигини тушунмайдими? Ёки унда нима учун ўлдиришим керак, деган савол туғилмайдими? Туғилмайди. Агар у фикрсиз бўлса, унда мустақил, фақат ўзигагина тегишли фикр бўлмаса. Демак, фикрсизлик – Манқуртликдир.

Америка ёшларининг бир шиори бор экан: Биз киммиз? Қаердамиз? Нима учун шу ердамиз? Аслида бу шиор Америка ёшларининг эмас, ҳар қандай мустақил фикр эгасининг шиоридир.

Мустақил фикрлаш «Мен кимман?» деган саволдан бошланади. Бу савол киши тафаккурида ўз жавобини топган сари шахсийликдан ижтимоийлик томон силжий боради. Яъни, жавоб улканлаша бошлайди. Шунинг учун ўзини танимаган киши ўзининг миллатлигини, халқлигини англай олмайди. Достоевскийнинг бир машҳур гапи бор: «Пушкин халқни қандай севиш кераклигини башорат қилмади, бунга тайёрланмади, махсус ўрганмади ва бир куни унинг ўзи халқ экани маълум бўлди». Демак, кимнингки ўз «гапи» бор экан, у – халқдир.

Хўш, бугун бизнинг орамизда «Мен кимман?» саволининг қадри қандай? Аввало, бизда шу саволнинг ўзи борми? Шундай савол туғилиши учун қандай шароит зарур?

Бир мисол: эътибор беринг, радио, телевидение, матбуот орқали ҳар куни минг марта эшитадиган, ўқийдиган бир анъанавий саволимиз бор — «Мустақиллик бизга нима берди?» Энди бу саволнинг ўзига хос анъанавий жавоби ҳам бор. Гап бу хил савол-жавобларнинг салмоғида эмас. Мени ҳайратлантирган нарса нима учун ҳамма бир хил фикрлаяпти? Нима учун биз Мустақиллик деганда фақат байроқ билан гербни тушунаяпмиз? Ўз байроғига, гербига, мадҳиясига эга бўлган мустамлака давлатлар йўқми дунёда? Демак, ҳали кўпчилигимиз Озодлик сўзини ўз «шева»мизда етарлича «таржима» қилаолмадик. Шунинг учун ҳам кўпчилигимиз озодлик қадрига етмаяпмиз. Ватан дея ҳайқирган ҳайқириқларимизда изтироб йўқ. Агар шу изтироб бўлганида эди, ҳеч ким ўз ватанига қарши бомба кўтариб юрмасди. Агар озодлик қадрини ҳар биримиз ўз фикримиз билан илғаб ололганда эдик, ҳеч ким ўз манфаатини ўз ватани манфаатидан устун қўймас эди. Фикрсизлик – бомбадан-да дахшатлироқдир.

Мактабларимизда ҳануз ўқитувчи фикри ҳукмрон. Ўқитувчи ўқувчиларга бирорта асарни тушунтириб, унинг ижобий ва салбий образларини аниқлаб беради. Энди синфдаги 30 та ўқувчи шу асарни шу ўқитувчи қаричи билан ўлчай бошлайди. Қарабсизки, оддийгина бир масалада яна битта хор жамоа пайдо бўлади.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

1999 йилнинг 30 март куни Хоразм вилояти ҳудудига қарашли «Саримой» ДАН постида Урганчга кетаётган «Икарус» русумидаги, давлат рақами 22 А 49-73 бўлган шаҳарлараро қатновдаги автобусда йўловчиларнинг ҳужжатларини текшириш чоғида милиция ходимлари томонидан ўқ отиш қуроллари ва гранаталар билан қуролланган 5 нафар жиноятчи борлиги аниқланди. Жиноятчилар кескин қуролли қаршилик кўрсатиб, милиция ходимларидан бирини ярадор қилганларидан сўнг эгаллаб олинган автобусда қочиб кетишга уриндилар.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Бухоро вилоятининг Саримой-Чўл ҳудудида автобус тўхтатилди ҳамда жиноятчиларни зарарсизлантириш юзасидан амалга оширилган тадбир пайтида уларнинг бирининг қўлга олинди, учтаси эса ўлдирилди.

Жиноятчиларни зарарсизлантириш вақтида автобус йўловчиларидан икки нафари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси МХХ ходимлари С.В. Нечипуренко, С. Г. Давидов, Э.Э. Гаязов ва Хоразм вилояти ДАН ходими Ф. Собиров ҳалок бўлдилар. Жароҳат олганлар бор.

Қўлга олинган жиноятчининг кўрсатмасига биноан, мазкур тўда аъзолари томонидан Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида илгари бир қатор талончилик ҳужумлари ҳамда қасддан қилинган қотилликлар содир этилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноий гуруҳ фаолиятининг барча ҳолатларини, унинг аъзолари ва ҳамтовоқларини аниқлаш бўйича тезкор-тергов ҳаракатлари олиб бормоқдалар.

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЗЕРИКМАСЛИК УЧУН МАШҒУЛОТ

Лондондаги ҳайвонот боғи мутахассисларининг таъкидлашларича, бундай жойларда ҳайвонлар жуда зерикишади. Томошабинларнинг доимий нигоҳлари эса, уларнинг ғашига тегади. Шу сабаб, улар мудом мунгли кўринишда бўлади. Эндиликда Лондон ҳайвонот боғларида янги иш жойлари ташкил этилган бўлиб, унда ҳайвонлар зерикмаслиги учун уларни турли машғулотларга жалб этадиган ходимлар ишлашмоқда.

КЛУБГА ҚАРШИ КЛУБ

Расмий маълумотларга қараганда, Германияда клублар жуда оммалашган бўлиб, ҳозирда уларнинг сони икки мингдан ҳам ошиб кетган. Баланд бўйлилар дейсизми, бурундору малласочлар, бекорчилар клуби дейсизми, — ҳаммаси мавжуд. Қизиқ томони шундаки, бу клублар орасида «Ҳар хил клубларга қаршилар» клуби ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

КЎҲНА КАСАЛЛИКЛАР

Францияда бўлиб ўтган халқаро антропологлар анжуманида бугун мавжуд бўлган кўпгина касалликлар тарихи жуда қадимга бориб тақалиши қайд этиб ўтилди. Маълум бўлишича, узоқ аждодларимиз ҳам бўғим яллиғланиши, бод , умуртқа поғонаси ва бел оғриғи туфайли азият тортганлар. Ҳатто оёқланг юрган ибтидоий одамларнинг оёқлари ҳам қадоқдан озор чеккан.

ХАВФ ОРТМОҚДА

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотларга қараганда, ҳар йили тамаки келтириб чиқараётган касалликлар туфайли дунё бўйича 3 миллион киши вафот этади ва бу кўрсаткич, агар аҳвол шу зайлда давом этса, йилига 10 миллионга чиқиш хавфи бор. Ҳозир дунёда йилига 8 минг киши чекишни ташлагани ҳолда, қашандалар сони 3 фоизга ортмоқда.

(Боши 1-бетда)

тақалиши, тарихда ўчмас из қолдирган Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Газнавийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва Темурийлар салтанатида давлат қурилиши ва бошқарув шакллари тўғрисида тушунчалар ҳосил қилинади. Буюк мутафаккирлар – Муҳаммад Низом ул-Мулк, Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Ибн-Сино, Аз-Замаҳшарий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг асарларида адолатли жамият қуриш назарияси ҳамда бу жамиятда инсон ҳақ-ҳуқуқлари юқори қўйилгани талқин қилиниб, чуқур тушунтирилади. Бундан ўқувчиларда давлат ва ҳуқуқ назарияси тўғрисида дастлабки тасаввурлар пайдо бўлади.

АДОЛАТ МЕЗОНИ — ЖАМИЯТ ТАРОЗУСИ

(Ҳуқуқий таълим-тарбиянинг тарих ва адабиёт фанлари билан узвий боғлиқлиги масалалари тўғрисида)

Умуман, тарих фанлари ўқитилиши юқори синфларда (9-11) давом этади ва Мустақиллик даврига алоҳида эътибор берилади. Ҳуқуқий таълим 9-синфдан алоҳида фан сифатида ўқитилса ҳам тарих фанларида ҳуқуқий билимнинг тарихий ривожланиши жараёнлари, жаҳоншумул аҳамиятига алоҳида эътибор берилади.

Маънавиятнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий маънавиятни ва ҳуқуқий маданиятни ўқувчилар онгида шакллантиришда адабий таълимнинг имкониятлари ҳам катта. Чунончи, адабий таълим жамият тарихининг, яъни маданият тарихининг бадиий салномасидир. Унда халқнинг ижтимоий ҳаёти, орзу-умидлари, маънавий қадриятлари акс этади, инсоний фазилатлар, таълим-тарбия борасидаги тажрибалар улуғланади. Инчунун, бадиий адабиёт ўз моҳиятига кўра инсон гўзаллигининг бутун қирраларини, унинг ички дунёсини тасвирлаш ва маънавий-маърифий озиқ вазифасини бажариб келмоқда ва инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини ахлоқ ва одоб орқали таранним этмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли шоир Абдулла Орипов «адабиёт халқ ҳаётининг бадиий инъикоси», унинг «тарбиявий аҳамияти, ибрат қуввати» юксаклигини алоҳида таъкидлайди. Адабий таълимда афсоналар – «Тўмарис», «Широқ», эртаклар – «Сусамбил», «Катто момо», асотирлар – «Азиз момо», «Ой билан Кун», халқ достонлари – «Равшан», «Гўрўғли», «Алпомиш»; халқ қўшиқлари – «Суст хотин», «Чой момо», «Ёз билан Қиш манзараси» ва халқ донишмандлигини акс эттирувчи мақоллар, панду насиҳатлар, ўгитларда табиатга онгли муносабатда бўлиш, жамиятдаги тартиб ва меъёрлар, инсон ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ жиҳатлар ҳуқуқий нуқтаи назардан тавсиф этилиб, ўқувчиларга ўргатилади.

Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Навоий, Бобур, Гулханий, Ҳамза, Усмон Носир, Фитрат, Абдулла Қодирий, Одил Ёқубов, Саид Аҳмал, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов каби шоир ва ёзувчилар ҳулққа эга инсоний бурч ва масъулиятини адо этганда комил инсон бўлади, деган хулосани айтади.

Болалар адабиётида ҳуқуқий тушунча ва вазиятларда таълим-тарбиянинг мазмуни, методлари ва натижалари ўз аксини топади. Болалар адабиётида ҳуқуқий билим олиш жараёнини уч йўналишга ажратиш мумкин: биринчидан, таълим жараёни, болаларни ўқитиш, билим олишининг ўзига хос типик ҳолатлари, қонуниятлари; иккинчидан таълим ва тарбиянинг уйғунлиги, тарбиянинг ҳуқуқий жиҳатдан устуворлиги, болалар тарбиясининг объектив муаммолари; учинчидан, болалар ҳаёт тарзи, ички кечинмалари, тарбиянинг субъекти сифатида ўз-ўзини одоб-ахлоқ, тартиб-интизом нуқтаи назаридан тарбиялаши тасвири кабилар. Болалар учун ҳақида маълумот берилаётганда инсон ҳаёти, унинг эркинлиги, қадр-қиммати олий қадрият сифатида эъзозланиши улар асарлари ғояларининг асосий ўзаги экани тушунтирилади. Адабий таълимни ҳуқуқий билимлар билан боғлаб тушунтиришда қуйидаги услубий асосларга таяниш керак. Буни мутафаккир Алишер Навоий ижоди мисолида талқин қилишга уриниб кўрайлик. Жумладан, Навоий инсонни бутун борлиқнинг кўрки ва шарафи деб улуғлайди. Инсон манфаатига, ҳуқуқларига раҳна солувчи нопоклик, қабиҳлик, жоҳиллик, бахилик, зино, мунофиқлик, хиёнат, манманлик, қотиллик, кибр каби иллатларни қоралайди. Ҳалоллик, орифлик, сахийлик, тўғрилик, покизалик, ҳиммат, ҳамкорлик, аёлларни эъзозлаш, иффат, диёнат, меҳр-мурувват, хайр-эҳсон, камтарлик, тежамкорлик, сир сақлаш, ҳалимлик каби хулқ-одобларни ўз қаҳрамонлари қалби ва тафаккурига жо этиб, инсонларни ана шундай фазилатлар эгаси бўлишга чорлайди. Ҳазрати инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, ирқидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги ғояларини илгари суради. Улуғ шоир инсон ўз ҳаётини жамият учун фойдали хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли, фазилатли ҳамда ҳушасар яратиш ва умуман, ҳуқуқий жараённи тасвирлаш адибдан ҳаққонийликни, билимни талаб этади.

Умуман адабиёт дарсларида давлат ва ҳуқуққа оид тушунчаларни шакллантириш, ўқувчилар онгига инсонийлик ва инсонпарварлик ғояларини сингдириш адабий таълимнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи лозим.

Таянч мактабларида (5-8 синфлар) тарих ва адабиёт фанларига алоҳида эътибор берилганлиги учун ҳам бу фанлар орқали ўқувчиёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини англаши, идрок қилиши, аста-секин қонуний одатларнинг доимий кўникмага айланишини кўриб чиқдик.

Зеро, Президентимиз умумийинсоний қадриятлар, бой ўтмиш маънавиятимиз ҳақида гапирганларида, унинг ёшлар томонидан ўзлаштирилиши кўпроқ тарихий хотира ва адабий жараёнларни англаши орқали амалга оширилишини назарда тутадилар. Бу эса ёшларнинг виждонли, етук инсон бўлиш учун интилишлари, тартиб-қоидага, ҳуқуқ асосларини эгаллашларига пойдевор бўлишини таъмин қила боради.

Каримжон НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

(Боши 1-бетда)

ТАРИХ ТИЛГА КИРАДИ

Тантаналар бир кундан кейин Юнусобод туманидан Ҳамза туманига кўчди. Бу ерда ҳам тарихга ихтисослаштирилган 216 - мактабнинг тақдимот маросимига Республика ХТВ, шаҳар ХТББ, шаҳар, туман ҳокимияти, маҳалла вакиллари йиғилишди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев, Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ва бошқалар амалга оширилаётган ишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида атрофлича тўхталишди.

Мактабда ўқувчиларнинг ўз оиласи, маҳалласи, шаҳри тарихини ўрганишига қаратилган ибратли ишлар эътироф этилди.

Бу мактабда ҳам тарих бўлими тантанали суратда очилиб, унга қўйилган экспонатлар катта қизиқиш билан томоша қилинди. Анжуман қатнашчилари республикамизнинг Бухоро ва Урганч шаҳарларида тарих фанига ихтисослаштирилиб яна икки мактабда ўтказиладиган тақдимот маросимида учрашгунча хайрлашиб қолишди.

* * *

Бу икки йиғин руҳига каттакон икки савол ҳукмронлик қилди. Нима учун тарихимизга бунчалик катта эътибор қаратиляпти? Ҳаққоний тарих қандай яратилади?

Тарихсиз бугун ҳам, эрта ҳам йўқлигини, миллат ҳам, Ватан ҳам, ватанпарварлик ҳам бўлмаслигини кўпчилик англаб етди. Айниқса, ёлғон тарих ўқиб, савод чиқарганлар. Бундан ҳам катта фожеа эса бир қанча авлоднинг аросатда қолганлиги бўлди. Уларнинг ҳақиқат деб топинганлари сароб бўлиб чиқди. Шундай экан, келажак авлод чалғимаслиги, вақтини, кучини бекорга сарфламаслиги керак. Токи бугун яратилаётган тарих эрта учун ҳам ҳақиқат бўлиб қолсин.

Ҳаққоний тарихимиз эса ёдгорликлар, қўлёзмалар қаърига яширинган. Республикамиз тўплаган тарихий ёдгорликларининг кўплиги билан дунёда олдинги ўринларда турса, фуқароларимиз уни билиш жиҳатидан кейинги ўринларда турар экан. Мазкур мактабларда ўлкашунослик фанларининг киритилишини ҳам айтиб ўтсак, бунинг ҳам ечими топилаётганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Хуллас, энди ўқувчилар тарихни севишнигина эмас, унинг ҳаққонийлигини билишни ҳам ўрганишади. Ҳақиқатни билган эса янглишмайди.

Рустам БОЙМАТОВ



С.Раҳимов туманидаги «Камолот» номли 269 - бошланғич таълим - тарбия масканида амалга оширилаётган ишлар замон талабларига тўла жавоб беради. Бу ерда таълим - тарбия олаётган 134 нафар иқтидорли болалар дарсдан ташқари вақтларда компьютер сирлари билан ўртоқлашмоқда.

Суратда: 2-«А» синф ўқувчилари ҳам компьютер билан «тиллаша» олади.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ФИЗИКА ОЛАМИДА НИМА ГАП?

Мен Тошкент Давлат Университети қошидаги гимназия ўқувчисиман. Бу ерда фан, маданият ходимлари, театр, санъат намояндалари, маҳалла оқсоқоллари, ишлаб чиқариш илғорлари тез-тез бизнинг меҳмонимиз бўлишади. ЮНЕСКО тасарруфидаги «Назарий физика ва астрофизика» кафедрасининг мудири, таниқли япониялик олим, профессор А. Накамура ҳамда академик олим М. Мусахонов билан бўлиб ўтган учрашувдан мамнунлик туйдик. Олимлар физика фани оламидаги долзарб масалалар, бу борада тадқиқотчиларимизнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги хусусида гапириб беришди.

А. Накамуранинг таъкидлашича, ўзбек физик олимларининг ишларига чет элларда, жумладан, Японияда қизиқиш жуда катта. Улар шу мамлакатнинг нуфузли университетларида хорижий талабаларга сабоқ беришда иштирок этишаётган экан. Кўпчилик тенгдошларимиз бу кафедранинг илмий семинарларига қатнашиш истагини билдиришди.

ЮНЕСКО кафедрасидаги машғулотлар фақат инглиз тилида олиб борилади. Биз, ўқувчиларнинг шу тил бўйича олган сабоқларимиз ҳали денгиздан томчи. Тома-тома кўл бўлади. Биз талабаларга буни англатган гимназия раҳбариятидан, устоз мураббийларимиздан намуна олишга ҳар доим тайёрмиз.

Д.САФОЕВА,
ТошДУ қошидаги
гимназия ўқувчиси

Sizning fikringiz?

РУҲШУНОСМИ ЁКИ ПСИХОЛОГ?

Психология жуда қадимги фан бўлиб, бундан тахминан икки ярим минг йиллар чамаси муқаддам юзага келган.

«Психология» сўзи юнонча «псюхе», яъни «жон», «руҳ» ва «логос» «таълимот» сўзларидан таркиб топган бўлиб, жон, руҳ ҳақидаги таълимот деган маънони англатади. (М. Воҳидов, Болалар психологияси, Тошкент 1982 йил, 5-бет.) Шу саҳифанинг ўзида «Агар биз психологиянинг мазмунини ҳозирги кун нуқтаи-назаридан очадиган бўлсак, шундай таъриф беришимиз мумкин. «Психология фани психик жараёнлар ва инсон шахсининг психологик хусусиятлари ҳақидаги фандир», деб ўринли ва тўғри таъриф берилган. Баён этилган юқоридаги иккита жумлани, фикрни таққослайдиган бўлсак, албатта, иккинчи жумла замон талабларига кўпроқ мос келади. Буни ёзишдан мақсад кимнидир мақташ, кимнидир танқид қилиш эмас, балки, илдам қадамлар билан ривожланаётган мамлакатимиз маданий ҳаётида баъзан учраб турадиган муаммоли, мунозарали масалаларга фикр билдиришдан иборатдир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг жуда катта, улкан, тарихий ютуғидир. Аммо, кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, тўғри келса, тўғри келмаса ҳам баъзи халқаро қабул қилинган сўзларни, ибораларни ноўрин таржима қилиш оқибатида хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Психология нафақат мактаб-маориф тизимига, балки, барча ишлаб чиқариш, суд ва прокуратура, ижтимоий таъминот, тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқа тармоқларга дадил кириб бормоқда. Балки, шу боисдир, жуда кўп ишхоналарда, ташкилотларда, кабинетларда психология соҳасини тўлиқ очиб бермайдиган «руҳшунос» сўзи кўзга ташланиб қолади. Психолог олим Крутецкий «психология — бу психика, унинг қонуниятлари, ҳолатларининг ривожланиши ҳақидаги фандир», деб таъкидлаган. Муҳтарам устозимиз профессор М. Давлетшин таҳрири остида чиққан «Психологиядан қисқача изоҳли луғат»да (Тошкент, 1998 йил, 29-бет) «Психология – одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан» деб жуда ўринли таъриф берилган. К. Турғунов томонидан 1975 йилда чоп этилган психология терминларининг изоҳли луғатида «Психология – миянинг объектив борлиқни акс эттирувчи функцияси бўлган психика ҳақидаги фан. Психологиянинг предмети психик процеслар, психик ҳолатлар, хусусиятлардир», деб баён этилганлиги ҳам мантиққа жуда яқиндир. Бу каби фикр ва мулоҳазаларни яна давом эттириш мумкин. Келинг, энди бироз «руҳ» ҳақида фикр юритиб кўрайлик. «Рух» нима? Бировлар «руҳ»ни «жон» билан, бировлар «қалб» билан тенглаштирадилар. Бизнингча, илмий нуқтаи-назардан ҳам бундай ёндашувлар, қарашлар унчалик тўғри бўлмаса керак. Агар, «руҳ»ни ислом дини нуқтаи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак-чи? Халқ орасида «руҳи шод бўлсин», «руҳлар қўлласин» каби жумлаларни тез-тез эшитиб турамиз. Аммо, бу жумлаларнинг моҳиятига, мазмунига чуқурроқ кириб боришни ўйламаймиз ҳам. Бу масала илмий жиҳатдан жуда муаммоли, мунозарали мавзулигини эътиборга олиб, фақат шуни қайд этиб ўтиш ўринлики, ҳали бу масала илмий жиҳатдан турли сабабларга кўра кенг, атрофлича ўрганилмаган, ҳаётда баъзи одамларга нисбатан «руҳлар» билан гаплашар экан, «руҳлардан маълумотлар олар экан» деган гапларни тез-тез эшитиб турамиз. Аммо, бунинг нечоғли ҳақиқатга, мантиққа яқинлигини ҳали кўпчилигимиз тўла тасаввур қила олмаймиз. Демак, бизга номаълум бўлган, кўзга кўринмас «руҳ»лар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар билан мулоқот қиладиган шахсларнигина «руҳшунос» дейиш ўринли бўлса керак. Шу боис, аниқ мутахассислик номини билдирувчи, инсон психикасини, унинг жараёнларини, қонуниятларини билувчи ва шу соҳада фаолият кўрсатувчи шахсларнигина психолог деб номлаш ҳар томонлама ҳақиқатга яқиндир. «Руҳият» сўзига тўхталадиган бўлсак, шуни эътироф этиш жоизки, бу сўз «руҳ» сўзидан кўра, психолог сўзига бирмунча яқиндир.Шу боис инсон руҳияти, инсон психикаси жумлалари бир-бирларига бирмунча ҳамоҳангдир. Бизнингча, «руҳшунос» сўзининг моҳияти доираси психолог сўзининг моҳият доирасидан бирмунча кенгдир. Тасаввуримизда «руҳшунос» бўла олган ҳар бир инсон бизнингча, психолог бўла олади. Аммо бу жуда мураккаб ва ўта оғир ишдир. Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ керакки, ҳар қандай психолог «руҳшунос» бўла олмайди. Бобокалонимиз Фаробий тасаввуридаги «комил инсон» бизнингча етук «руҳшунос» бўла олган бўлса не ажаб?! Иқтидорли шарқшунос олим Н. Комилов «Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир» деб баён этган.

Бу мақоламиз билан ушбу масалага нуқта қўймоқчи эмасмиз. Балки, шу ҳақда мутаҳассислар, биринчи навбатда, ўзларини «руҳшунос» деб ҳисоблаганлар, психологлар, физиологлар, педагоглар, файласуфлар, шифокорлар ва бошқа соҳа ходимлари ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этадилар, деб умид қиламиз. Бинобарин, турли матбуот саҳифаларида, ишхоналарда, амалиётда учраб турадиган мазмун ва моҳиятан мантиққа зид келадиган ибораларни тўғриланишига ишонамиз.

Камол МАМЕДОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти, психология фанлари номзоди

НАВОИЙ ВА ГЁТЕ

Ҳар бир миллатнинг барча даврлари учун улуғ ҳисобланган фарзандлари бор. Ўзбек дунёси учун шундай табаррук унвонга мушарраф бўлган инсонлардан бири —шеъриятимиз салтанати тождори, ҳазрат Алишер Навоий бўлса, олмон халқи учун бундай улуғ зот таваллудининг 250 йили нишонланаётган буюк шоир ва давлат арбоби, олмон шоирларнинг султони (Дихтерфюрст)Йоҳанн Волфганг Гётедир. Иккаласини ҳам ўз ва ўзга дунё халқларининг боқий ҳурматига сазовор этган нарсалар, энг аввало, шеъриятдир. Гёте билан Навоий ўртасида замон эътибори билан 300 йиллик макон, масофа жиҳатидан 6000 километрлик оралиқ бўлса-да, улар ўртасида миллат тақдири ва умуминсоний қадриятларга бўлган муносабат ифодасида нақадар яқинлик ва ажойиб ўхшашлик бор.Иккаласи ҳам шоир сифатида миллий макони ва замони доирасига сиғмайдиган забардаст шоир. Шу билан бир вақтда иккаласи ҳам ўз мамлакатининг давлат арбоблари бўлганлар : Ҳазрат Навоий ҳукмдор Ҳусайн Бойқаронинг яқин дўсти ва вазири бўлган. Гёте эса ўзи яшаган Саксония ва Ваймар ҳерцоги, буюк ҳерцог Карл Аугустнинг яқин дўсти ва маданият вазири эди.

Навоийнинг дўсти Ҳусайн Бойқаро шеърият ошуфтаси, нозиктаъб шоир ўтган бўлса, Гёте дўсти Карл Аугуст ҳам шерият шайдоси бўлиб, кўплаб лирик шеърлар битган. Шоҳу шоирларни боғлаган нарса-маънавият риштаси экан-да! Иккала шоир ҳам мусиқашунос, моҳир бастакоргина эмас, мўйқаламини нозик тебратувчи рассом сифатида ҳам машҳур бўлган. Бирларининг туғилганларига ярим эрадан ошиб кетиб, иккинчилари чорак эралик туғилган кунлари арафасида туришибди. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, бу икки зот олмон ва ўзбек халқларининг ҳозирги кун маданиятларига ҳам йўлбошчидай.

Жаҳон халқлари эса қайси миллат ўзлигини, ўз она тили ва адабиётини кўпроқ суйса уни ҳурмат қила бошлайди.

Ана шу маънода Европа маданияти ва халқларининг эътиборини қозонган ўзбек шоирларининг сардори Навоийдир. Унинг асарлари инглиз, олмон, фаранг, испан, чех, румин, мажор, поляк ва бошқа тилларга таржима қилинган. Хусусан, 1946-1948 йиллар «Фарҳод ва Ширин» достони олмон адиби Алфред Курелла томонидан рус тили орқали олмон китобхонлари қўлига тегди. Ундан кейинги йилларда эса ҳазрат Навоийнинг қатор шеърлари, ҳикматли сўзлари Йоханн Варкентин, Йўлдош Парда каби таржимонлар томонидан ўзбекчадан олмон тилига ўгирила бошланди. Бу ҳол айниқса, мустақиллик сари ишонч билан одимлаётган ҳозирги Ўзбекистондаги куч ва имкониятларга ҳамоҳангдир. Ишончимиз комилки, Ҳофизу Саъдий, Румий-ю Жомийларни ўз она тилида тўлқинланиб ўқиш таъсирида Гёте «Ғарбу Шарқ Девони» ни яратгандай.

Шу ўринда бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Собиқ Шўро даврида рус бўлмаган халқлар адабиётларидан чет тилларга қилинажак таржималар асосан рус тили ва Москва рухсати билан амалга оширилади. Албатта, ўзбек адабиётининг чет элларда озмикўпми маълум (ва машҳур!) бўлишида рус тилининг аҳамиятини унутмаслигимиз керак. Бироқ қайси муаллифнинг қайси асарини рус ва бошқа тилларга таржима қилиш масаласини собиқ коммунистик мафкура назоратчилари ҳал қилган.

Энди бугунги янги замонда янгича руҳ билан ўз адабиётимизнинг тақдирини ўзимиз ҳал қилишимиз учун кадрлар масаласини тўғри ҳал қилишимиз, янги кадрлар тайёрлашимиз керак. Жумладан, таржимачилик соҳасида ҳам иқтидорли, бадиий санъатлардан хабардор, чет тилларини мукаммал биладиган, баҳолуқудрат чет тилидан ўзбек тилига таржималар қилаётган ва шу таржималари тан олинаётган, олаётган маоши ва қалам ҳақининг ҳажмидан қатъий назар, ўз соҳасида муқим ишлаётган юзлаб чет тили ўқитувчилари бор-ки, уларни авайлаш керак. Шунда янги авлод етишиб чиққунча орада узилиш содир бўлмайди. Шу мақсадда биз бугун «Ёш таржимон» тўгарагини ташкил қилиш жараёнидамиз. Тўгарак ишида тажрибали таржимонлар, моҳир муҳаррирлар, малакали олмоншунослар қатнашади. Шундай қилсак, биз ўз адабиётларимизни ўзимиз яхши ўрганиш, халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган адибу шоирларнинг муносиб асарларини чет тилларга бевосита таржимасини амалга ошириб, ўзимизни чет дунёга танитиш ишига оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшармиз, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, биз Навоий ва Гёте ҳақида янги гап айтмоқчи эмасмиз. Бинобарин, бу улуғ зотларнинг ҳаёти ва ижоди адабиётшунос олимларимиз томонидан кенг ва атрофлича ўрганилган. Камина оддий бир олмоншунос сифатида маорифчи ҳамкасбларимиз ва адабиёт ихлосмандлари билан ўз билимимиз доирасида улуғ боболаримиз ҳаёти ва ижоди муносабати билан бугунги кун муаммолари кўламида бироз фикр алмашмоқни ният қилдим, холос.

Хуррам РАҲИМОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети доценти

ХАБАРЛАРИ

TAXSIL YANGI BINODA BO'LADI

Beruniy pedagogika bilim yurtining yangi muhtasham binosi qurilib, talaba va o'quvchilarga tuhfa qilindi. Ana shu quvonchli voqea munosabati bilan o'tkazilgan tantanada O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vaziri Jo'ra Yo'ldoshev, O'oraqalpog'iston respublikasi xalq ta'limi vaziri Begdulla Sultonov, Beruniy tumani hokimi Ollanazar Jumaniyozov va boshqalar ishtirok etdi. Qatnashchilar yosh avlod tarbiyasiga ko'rsatilayotgan katta g'amxo'rliklari uchun Prezidentimiz, hukumatimiz nomiga minnatdorchilik tuyg'ularini izhor qilishdi.

G'oyib YOQUBOV

PSIXOLOGLAR SEMINARI

Viloyatlardagi shahar, tuman xalq ta'limi bo'limlarida o'quvchilarni kasb-hunarga yo'naltirish psixologik va kasbiy tashxis markazlarining tashkil etilishi xalq ta'limi tizimida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Maktablarda mazkur yangi vazifaning qay tarzda bajarilayotganini o'rganish uchun Andijon viloyati Izboskan tumanida psixologlarning viloyat seminarini tashkil etildi.

Seminar qatnashchilari tumandagi 2 -, 11-,20-, 27 - va 30 - o'rta maktablarda o'quvchilar tibbiy ko'rigining tashkil etilishi, jismoniy yoki ruhiy jihatdan zaif bolalar psixologiyasini o'rganish jarayonida yuz berayotgan pedagogik muammolar va buning yechimi xususida olib borilayotgan diagnostik tahlil namunalari bilan tanishdilar.

To'lanboy AZIZOV

«BOLALAR SAN'ATI - 2000» FESTIVALI OLDIDAN

Jizzax viloyat madaniyat ishlari boshqarmasi bilan Bolalar va o'smirlar ijodiyoti markazi hamkorlikda xalq hunarmandchiligi bo'yicha o'quvchilar o'rtasida ko'rik-tanlov o'tkazdi. Tanlovda xalq amaliy san'atining naqqoshlik, milliy kashtachilik, milliy hunarmandchilik, kulolchilik, badiiy to'qish, yog'och o'ymakorligi, tasviriy san'at turlari bo'yicha ishtirokchilar o'zaro bellashadilar. Hakamlar hay'ati Davron Abduraximov (tasviriy san'at), Sarvar Hasanov (naqqoshlik), Berkboyeva Maqsuda (milliy kashtachilik), Kozoqov Po'lat (milliy hunarmandchilik), Nahalboyeva Nodira (kulolchilik), Abdusamatov Muhiddin (yosh qalamkash), Saidov Erkin (yog'och o'ymakorligi) larni golib deb topdi. Tanlovning 2 - 3 - o'rin sohiblari ham g'oliblar bilan birgalikda «Bolalar san'ati — 2000» festivalida qatnashish huquqiga ega bo'ldi.

Sadbarxon JO'RAYEVA

ХАБАРЛАРИ

ОИЛА БЕКАСИ ВА ТОЛМАС ОЛИМА

1999 йил Президентимиз ташаббуси билан Аёллар йили деб элон қилиниши барча қаторида кўп йиллардан бўён халқимиз учун хизмат қилиб келаётган, маънавиятимизнинг толмас тадқиқотчиси Хотима опани ҳам руҳлантириб юборди. Хотима опа Шайхова қарийб 50 йиллик фаолиятини педагогикага бағишлади. Ўзининг мураббийлик фаолиятини Тошкентдаги 43- мактабдан бошлаган оддий ўқитувчи бугунги кунда таниқли олима. У узоқ, машаққатли, оғир ҳаёт йўли давомида «Аҳлоқда жамоатчилик масаласи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Педагогик ва жамоат ишларини давом эттириши билан биргаликда, «Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари маънавий муносабатларининг такомиллашуви муаммолари»га бағишланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олима фаолияти маҳсули ўлароқ, 90 дан зиёд илмий-назарий ва оммабоп асарлар чоп этилди.2 та фан доктори, 5та фан номзодининг илмий ишларига раҳбарлик қилган. Ҳозирда ҳам илм йўлида изланаётганларга меҳрибон ва талабчан устоз. ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишга ихтисослаштирилган Кенгаш аъзоси ҳамдир. Хотима опа ҳозирги кунгача жамиятимиз аъзоларининг маънавий- ахлоқий қиёфаси, комил инсонни шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тарбиядаги таъсирчанлигини ошириш, халқимиз анъаналарининг ёшлар тарбиясига таъсири масалаларини илмий таҳлил қилибгина қолмасдан, балки бевосита халқ орасида ўрганмоқда.

Ҳалол ва фидокорона меҳнатлари, жамоат ишларидаги фаоллиги, ёш авлодни тарбиялаш, илмий кадрларни тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун Х. Шайхова қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди.

Хотима опа асарларида маданият, маърифат, маънавиятни таҳлил қилиб, дарсларда аҳлоқий жиҳатларни талабалар онгига сингдириб боришга ҳаракат қилди. Шунингдек, республикамизда маънавият масалаларига, маърифий-тарбиявий ишларга катта эътибор берилаётган бир пайтда, Хотима Шайхова каби олималаримизнинг қилган ишлари таҳсинга сазовордир.

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Фалсафа Жамияти Президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Fanimiz fidoyilari

УМРИ — ДОРИЛФУНУН ИНСОН

Баъзан одам умр йўлига назар ташлаганда унда турли даврларни кўради.Уларни маълум маънода тушкун, жўшкин, некбин даврлар деб номлаш ҳам мумкин. Нима учун битта умр йўли турли даврлар,паллалардан иборат? Замоннинг таъсириданми бу? Ёки одамнинг ўзи шунақа руҳан ўзгарувчанми? Инсон ҳаёти маромига бу омиллар ҳам таъсирини ўтказиши табиий, албатта.

Лекин бу сир замирига теранроқ назар солсангиз, бошқа бир қонуниятни ҳам пайқашингиз мумкин. Яъни қайси даврларда яхши одамлар, яхши жамоа билан ишлаган бўлсангиз, улар жўшкин, некбин бўлиб туюлади. Тарқоқ, катта мақсадларни олдига қўймаган жамоада ўтган умрингиз эса бемақсад даврларга ўхшаб кўринади. Демак, инсоннинг умр мазмуни унинг қандай одамлар билан ишлашига, фаолият кўрсатишига боғлиқ экан. Шу ўринда тағин бир савол туғилади: ундай бўлса, нега жамоалар турлича? Уларнинг турли кайфиятда бўлишига сабаб нима? Мен бу ҳақиқатни кейинчалик англаб етдим, яъни ҳар бир идора ёки муассасанинг савияси, кайфияти ва руҳияти, қолаверса, тақдири ҳам уни бошқараётган раҳбар шахси ва фазилатлари билан у яратган маънавий муҳит билан чамбарчас боғлиқ экан.

Мен турли жамоаларда турли раҳбарлар билан ишладим. Кўплардан ҳаётга, ёшга муносабатни ўргандим. Ҳозир эса "Жаҳон адабиёти" журналидаман. Жамоамиз кўнглимга ёқади: ҳалол, ғайратли... Чунки раҳбаримиз – Бош муҳарриримиз шундай хислатларга эга.

Мен, аввало, Озод Шарафиддиновни – муҳтарам домламизни Ҳалол одам деб атагим келади.

Домламизнинг мунаққид сифатидаги қиёфаси "Замон, Қалб, Поэзия" номли китобида илк бор баркамол намоён бўлганди. Шу асари билан ёркин ном козонган мунаққид адабий жараёнга қўйган мезонларини кейинги тинимсиз фаолияти давомида ҳалоллик билан ёқлаб яшади. Ана шу фаолият замирига синчиклаб назар солсак, забардаст мунаққиднинг диққат-эътиборида, онги ва шуурида ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти, жаҳон адабиёти ва ўзбек адабиёти тушунчалари ҳамиша ёнма-ён турганлигини, бир-бирига туташиб, боғланиб кетганлигини яққол кўришимиз мумкин. Қалб ва тафаккурдаги мана шу жўшкин жараён, мана шу уйғунлик ҳосиласи ўлароқ, ҳозирги кундаги "Жаҳон адабиёти" журнали дунёга келди десак, муболаға бўлмайди. Хусусан, журналнинг илк туғилиши жараёнини Озод аканинг ўзлари ҳар бир учрашувда ифтихор билан гапириб берадилар: "Бир гуруҳ маънавият соҳаси одамларини муҳтарам президентимиз Ислом Каримов қабул қиларкан, учрашув якунида, энди қандай истакларингиз бор, деб сўрадилар. Мен, адабиётимизни, маънавиятимизни янада юксалтириш учун бир журнал ташкил қилинса, яхши бўларди, дея сўз очишим билан, Ислом ака гапимни бўлиб, Сиз "Жаҳон адабиёти" ҳақида гапиряпсиз, тўғрими? — дея таъкидладилар. Ва бу журнал, албатта, ташкил бўлади, дедилар. Мана шунда Президентимизнинг адабиётни синчиклаб кузатиб боришини, қачонлардир қайси бир журналга мен ушбу истакни билдириб, икки оғиз интервью берганлигимни ҳам ўқиганларидан ҳайратландим..."

Бу учрашувдан кўп вақт ўтмай матбуотда Президентимизнинг "Жаҳон адабиёти"ни ташкил этиш ҳақида махсус фармонлари эълон қилинди.

Домлани — ҳалол одам дедим, Ҳалоллик нима ўзи? Юксак ғояларга содиқликдами у? Ёки бировнинг ҳақига ҳиёнат қилмасликда, тўғри ишлаб, тўғри юришдами? Менимча, ҳалоллик буларнинг барчасида мужассамдир. Зеро, у инсоннинг ички оламида ҳам, ташқи оламида ҳам бир хилда устувор бўлгандагина ўзини том маънода намоён қилади. Ҳалолликда, бу сўз замирида, ҳақгўйлик, қатъиятлилик, виждонан софлик, имон ва диёнат туйғулари ётганлигини назарда тутмоқ керак. Лекин турмуш икир-чикирларида-чи? Атрофингдагиларга, дўстларингга, оилангга, фарзандларингга бўлган муносабатда-чи? Бу ҳолатларда мукаммал фаолликка эришиш, қатъиятли бўла билиш, ўз тамойилларингдан чекинмаслик ниҳоятда қийин ва бу инсондан катта матонат талаб қиладиган ишдир.

Бир-икки мисоллар келтирай: домла қачон таҳририят машинаси ҳайдовчисини газета олишга жўнатса, аввал пулини берадилар; матн кўчирувчи қизларга қўлёзмасини (ҳатто журнал сонига тушса ҳам!) топширсалар, албатта, эл қатори рози қиладилар. Ёки энг яқин дўстлари-ю, шогирдлари таҳририят учун бирор асар топширишса ва улар савия жиҳатидан бўшроқ бўлса, уларни, албатта ким бўлишларидан қатъий назар қўлларига қайтариб берадилар. Айни чоғда асар камчиликларини муаллифлар ёки таржимонларнинг бетларига очиқ-ойдин айтадилар.

Домланинг фарзандлари ҳаётда ўз йўлини топиб кетган, обрў-эътиборли инсонлардир. Лекин уларнинг кибрланиб кетганликларини пайқамаганман. Чунки улар падари-бузрукворларига бундай ҳол хуш келмаслигини яхши биладилар. Зеро, улар ҳам умр йўлларига фақат ҳалолликни шиор қилиб олганлар.

Ҳаётдаги бу тамойил, албатта, турмушни қатъий интизомга солади, сиртдан қараганда, унда таранглик пайдо қиладди. Ҳатто бу машаққатли умр тарзига ҳам ўхшаб туюлиши мумкин. Лекин бу муҳитга дахлдор инсонларнинг қалбида эса тамомила бошқа руҳ ҳукмрон: уларнинг ҳаёти, қисмати ўзлари сезган-сезмаган ҳолда ажиб хотиржамликка, ҳузур - ҳаловатга ноилдирки, буларнинг ҳаммаси виждон тозалиги ва ҳалоллик туфайлидир.

Мен Озод ака билан бирга ишлаш жараёнида унинг руҳиятидаги илгари кўпларнинг кўзига ташланмаган яна бир қиррани кашф этдим: у ниҳоятда иродали инсон экан! Ва бунчалик зўр ирода асосан кучли тафаккур эгаларида бўлишига ҳам амин бўлдим.

Озод ака оғир дардни бошдан кечирдилар. Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда балки аллақачон қўлни уриб қўлтиққа урган, яшадик, кўрдик, етади, деган кайфиятга ҳам тушиб қолармиди... Лекин, Озод ака чекинмади, оғир дард олдида тушкунликка тушиб, таслим бўлмади. Саломатликларини бир оз тиклаб олгач, аввалги бир ғайратига яна ўн ғайрат қўшилди, мақола устига мақола ёзиб, таржима устига таржима қила бошладилар. Кундалик ҳаётни, адабий жараённи, жаҳон адабиётини кузатиш борасида гапирмаса ҳам бўлади.

Озод аканинг уйида бўлган зиёли деворларга зич тиралган китоб жавонларини кўриб, яйраб кетади. Улар шунчаки бир пайтлар сотиб олинган ва энди ҳашамга айланган ашёлар эмас, кундалик иш жараёнига зарур бўлган манбалардир. Шундан келиб чиқиб айтаманки, мамлакатимизда Озод ака қадар кўп ўқиган ва ўқиганларини қалбига ва идрокига жо қилиб олган зиёли кам бўлса керак.

Домламиз бу йил 70 ёшга кирдилар. 70 ёш ўткир ва уйғоқ тафаккур соҳиби учун эгиладиган ёш эмас. Тарихдан кўп алломаларнинг 70 дан кейин ҳам юксак ва бисёр асарлар яратганликларини биламиз. Демак, домланинг ҳали орзулари мўл, ғайратлари баланд. Биз журнал таҳририяти ходимлари буни ҳаммадан кўра яқиндан ҳис этамиз. Таҳририят режалари тузилаётганда ҳар сафар бунга амин бўламиз.

Мақола бошида одам умр йўлига назар солганда, турли яхши-ёмон даврларни кўради, деб айтгандим. Таъкидлашим жоизки, "Жаҳон адабиёти" журналида ишла-ётган йилларим ҳаётимнинг энг ёркин саҳифалари бўлиб қолиши, шубҳасиздир. Чунончи, журнал иши мен учун - иш эмас — дорилфунун бўлиб қолади, деганимда хоҳласам-хоҳламасам, яъни хизмат тақозоси билан энг зарур асарларни ўқишимни назарда тутган эдим. Эндиликда домланинг ҳаёти, умр йўли ҳам бир дорилфунун эканлигини ҳис этиб турибман.

Мирпўлат МИРЗО

ДОИМИЙ АНЖУМАН ОЛДИДАН

Ўзининг бешинчи йиғинига тайёргарлик кўраётган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий анжумани фаолият кўрсатаётганига бу йил ўн йил тўлади. Она тилимизга Давлат мақоми берилганлигининг ўн йиллигини нишонлашга ҳам катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Анжуман Низомига кўра, ҳар икки йилда бир марта ўз йиғинини ўтказиб турибди. Ҳар бир йиғин алоҳида мавзу муҳокамасига бағишланади. Бешинчи йиғин мавзуси "Таълим жараёнида нутқ маданиятини такомиллаштириш" муаммоларига бағишланган.

Айни пайтда таълим муассасаларидан анжуман таҳририятига келиб тушган 400 дан ортиқ тезислар таҳрир қилиниб, 185 тезис тўпламга киритилди. Тезисларни танлашда мавзуга мослиги, ҳозирги давр таълими талабларига жавоб бера олиши нуқтаи назаридан қаралди.

"Ўзбек тили" доимий анжуманининг бешинчи йиғини шу йилнинг 29-30-апрель кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилади. Анжуман таъсис этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан бу йиғиннинг Бухоро шаҳрида ўтказилаётганлигида ҳам бир рамзий маъно бор. Негаки, доимий тил анжуманини таъсис этиш тўғрисидаги ғоя ташаббускорлари бухоролик тилшунос олимлар эди.

Мазкур анжуманни таъсис этишдан кўзланган бош мақсад она тили таълими мазмунини янгилаш эди. Анжуман фаолияти давомида, маълум маънода, шу мақсадга эришилди ҳам. Она тилидан муқобил дастурлар, янги мазмундаги синов дарсликлари яратилди. Анжуман маҳсули сифатида юзага келган тажриба-ўқув дастури Вазирлар Маҳкамасининг 203 - қарори асосида Бухоро шаҳридаги 9 - мактабда синовдан ўтмоқда. Синов натижалари бўйича ушбу мактаб замирида махсус шўъба ишлайди. Тажриба-синов бўйича 33 маъруза анжуман дастурига киритилган.

Яқинда ана шу доимий анжуманнинг бешинчи йиғинини тайёрлаш ва ўтказиш Республика ташкилий қўмита мажлиси Халқ таълими вазири, ташкилий қўмитаси раиси Ж.Йўлдошев раҳбарлигида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. Вазир ўз сўзларида бу йилги анжуман олдиндагилардан фарқли равишда тил байрамига айланиши, Анжуман анжуман учун ўтказилмаслиги, балки у Республика аҳамиятига молик тадбир эканлиги; анжуман мазмунидан ўрин олган ҳар бир тадбир мавзудан келиб чиқиб, маданий нутқ намунаси бўлиши кераклигини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман кунлари ўтадиган тил байрами алоҳида танланган боғча, мактабда эмас, балки вилоятдаги барча таълим муассасаларига кириб бориши ва нишонланиши зарурлиги айтиб ўтилди. Шу масканда вилоят халқ таълими бошқармаси, ўқитувчилар малакасини ошириш институти мутасадди ходимлари, шаҳар, туман халқ таълими бўлими мудирларига тайёргарлик тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Айни пайтда дастур ва тезислар тўплами "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида чоп этишга тайёрланмоқда . Анжуман ўз рамзига эга, ушбу рамз асосида кўкрак нишони тайёрлаш ҳам режалаштирилган.

М. АБДУРАИМОВА

Kollijlar hayotidan



Тошкент юридик коллежида компьютер билан ишлашни санъат даражасига кўтараётган мураббийлар ҳар бир талаба билан алоҳида иш олиб боради.

Суратда: ўқитувчи Нусрат Ҳайитбоев талаба Шаҳноза Шоевага компьютердан сабоқ бермоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ТИЛ ВА ВАТАН МАНФААТИ УЙҒУНЛАШСА

Ҳаётга тадбиқ этилаётган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ўз моҳият-мазмуни билан мамлакатимиз истиқлолини таъминловчи, яратувчибунёдкор ёш авлоддан малакали, миллий ғурурли, ватанпарвар кадрлар авлодини тарбиялашда тарихий аҳамиятга эга.

Хўш, миллий кадрлар ўзларига билдирилган бундай катта ишонч ва умидни қачон, қандай шароитда бажара оладди?

Маънавият-маърифат орқали эгалланади, маърифат эса ўқиш, ўрганиш,тинимсиз ўз устида ишлашни талаб қилади. Ҳар иккаласининг калити эса тил. Зеро, тил билган элни билади, дунёни тушунади, ўзлигини англайди. Шу маънода ўзбек тилига республикамизда Давлат тили мақоминнинг берилиши, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда обрў-эътибори, қўлланиш жараёни ва соҳаларининг кундан-кунга ошиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Бироқ бу борада ҳам қилинадиган ишларимиз анчагина. Буни «Давлат тили тўғрисида»ги қонун қабул қилинганининг ўнинчи йилида, республикамизда яшовчи, уни она ватан деб ҳисоблаётган айрим миллатлар орасида ўзбек тилини ўқиш ва ўрганишга бўлган дастлабки ҳаракатнинг бир оз сусайганлигида кўриш мумкин.

Қонунда давлат тили, уни билмайдиганларга боғча, мактаб, ташкилот, корхона ва муассасаларда бепул ўқитилади дейилган ва бу борада катта ишлар қилинди. Жойларда курслар тўгараклар очилиб, қанчадан-қанча маблағлар сарфланди. Натижалар эса ёмон эмасу, лекин бундай илиқ фикрни баъзи русийзабон, ҳатто айрим миллатимиз ёшлари тўғрисида ҳам айтиб бўлмайди. Уларнинг аксарият қисми бир неча йил давомида давлат тилини ўқиганликларига қарамай, бу тилда икки оғиз сўзни эплаб гапира олмайди. Шаҳодатномаларига қарасангиз ўзбек тилидан олган баҳолари "4" ва "5" . Бундай ҳолатни олий ўқув юртлари талабалари орасида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Тўғри, Конституциямизда Узбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар тили ҳурмат қилинади, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилади, дейилган. Бу масала Узбекистонда ижобий ниҳоятда одилона ҳал қилинди. Мисол учун бугунги кунда республикамизда истиқомат қилувчи турли миллатларнинг 80 дан ортиқ миллий-маданий марказлари фаолият кўрсатиб, улар бу марказлар орқали ўз тили, маданияти ва қадриятларини ривожлантираётганлиги фикримиз исботи эмасми? Хулоса шуки, тенглик дегани давлат тилини билмаслик, уни ҳурмат қилмаслик дегани эмас.

Ахир, Узбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар давлат тилини билиши лозим. Ана шунда биз "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да қўйилган долзарб масалаларни ҳал қила оламиз. Бугунги кунда эса русийзабон аҳоли, айниқса ёшлар орасида давлат тилидан кўра, хорижий тилларни урганишга эътибор кучли. Нега? Мақсад хорижга бориб ўқишми ёки она-Ватанга хизмат қилишми?

Президентимизнинг "Узбекистон XXI аср бусағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида кўрсатилишича, бугунги кунда аҳолимиз "... билим даражаси жиҳатидан республика ҳақли суратда ўқимишли мамлакатлар қаторига киради..." Шу маънода Узбекистон ҳам хорижий мамлакатларга таълим соҳасида ёрдам кўрсатиши мумкин. "Айни вақтда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатларидан келган 1250 дан зиёд хорижий фуқаро Узбекистонда таълим олмоқда". Гап уларни ўқитиш тўғрисида, борар экан, республикамизга ўқишга келаётган хорижий талабаларни ҳали давлат тилида ўқитишни тартибга қўймоқ керак.

Узлигини англаган илғор миллатлар айни шу йўлдан бориши маълум. Бу йўл узликни англаш билан бирга англатишни ҳам биллиради. Мустақилликка эришиб, жаҳонга юз тута бошлаган Узбекистон учун бу масаланинг ниҳоятда долзарблиги энди сезилмоқда. Жаҳонда ўзбек тилини ўрганиш ва эгаллашга эътибор кучаймоқда. Она тилимиз АҚШ, Олмония, Миср каби мамлакатларнинг қатор нуфузли университетларида ўқитилмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда ёшларни давлат тилида ўқитишга эътиборни кучайтириш билан бирга хорижий талабаларни ҳам узбек тилида ўқитиш масаласини ўйлаб кўриш лозим бўлади. Агар биз бунга эришсак, биринчидан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириб, она-Ватанимиз учун ҳақиқий фидоий, миллий кадрлар тайёрлаймиз, иккинчидан, хорижий мамлакатларда узбек тили, маданияти ва маънавияти тарғиботчиларини купайтирамиз. Бу ҳол миллатимизни, давлатимизни жаҳонга танитишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Тўғри, шуро ҳокимияти йилларида ҳам Узбекистон Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги 30 дан ортиқ мамлакатларга кўплаб кадрлар тайёрлаб берган эди. Афсуски, уларнинг аксарияти узбек тилида ўқимаганлиги туфайли, Узбекистон, ўзбек халқи, унинг ўтмиши, бой маданий ва маънавий мероси ҳақида етарли тасаввурга эга бўла олмадилар.

Бугун жаҳон ҳамжамияти интеграциясига кириб бораётган Узбекистон учун кўплаб таржимонлар, хорижда ҳам тилимизни ҳурмат қилиб, унда сўзлашувчилари зарур бўлиб қолади. Айниқса, бундай кишилар хорижда фаолият кўрсатаётган элчихона, консулхона, турли вакалатхоналаримиз учун керак бўлаётганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Ниҳоят, давлат тилини билмайдиганларга ўргатиш масаласига келсак, уни ҳаётий заруратга айлантириш керак ва бу шарт.

Искандар ҲАЙИТОВ,
ТЕСИ "Тарих ва ҳуқуқ" кафедраси мудири

АНЪАНАВИЙ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида яна маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари жам бўлишди. Анъанавий журналистлар мулоқотига Япониянинг Узбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Коэчи Обата ҳамда япон элчихонаси ходимлари таклиф этилди. Элчи жаноблари икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида фикр билдирар экан, давлатимиз раҳбарининг 1994 йил сентябрь ойида Японияга қилган расмий ташрифи аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Кунчиқар мамлакатнинг Буюк ипак йўли ҳудудидаги мамлакатлар билан муносабатлари ҳам шундан кейин қайта жонланди.

Мулоқот чоғида журналистларнинг иқтисодий , ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан берган саволларига атрофлича жавоб олинди.

Мамлакатимиз таълим тизимида ислоҳотлар кечаётгани боис, ҳозирги Узбекистон - Япония илмий ҳамкорлиги юзасидан берган саволимизга қуйидагича жавоб олдик:

— Бугун илмий ҳамкорлик асосан, икки тизимда: "Япония тараққиёти" дастури ва "Умид" жамғармалари орқали йўлга қўйилган. Айни пайтда, Японияда 300 дан зиёд ўзбекистонлик талабалар таҳсил олаётгани ҳам бу ҳамкорликнинг натижасидир. Бундан ташқари, ҳамкорликда профессионал коллежлар қуриш ва уларни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш дастури устида иш олиб борилмоқда.

Ф.КАРИМОВ

1999 yil — Ayollar yili

"ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ" ҒОЛИБЛАРИ

Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Аёллар йили муносабати билан "Йил тарбиячиси" кўрик-танлови ўтказилди.

Мусобақада Шаҳрисабз туманидаги "Шодлик" болалар боғчаси тарбиячиси Озода Сатторова биринчи, Қарши шаҳридаги "Ҳумо" болалар боғчаси тарбиячиси Муҳаббат Исматова иккинчи, Косон туманидаги "Дилором" болалар боғчаси тарбиячиси Санам Очилова учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Кўрик-танлов ғолибларига вилоят халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси, вилоят "Камолот" ёшлар жамғармаси, "Соғлом авлод учун" вилоят жамғармаларининг совғалари топширилди.

Беллашувда иштирок этиб, томошабин олқишига сазовор бўлган Қарши туманидаги "Бўғирсоқ" болалар боғчаси тарбиячиси Латофат Арабовага вилоят хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғаси топширилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

БОЛАНИНГ КЎНГЛИГА ТОПИЛГАН ЙЎЛ

ёхуд оила ҳақида муаллим сўрови

Умр ўтиб бораверади. Орқамизда эса фарзандларимиз бизга издош. Дарвоқе, биз уларнинг дунёсига ошномизми? Уларга сирдош бўла олдикми? Уларнинг қайси бири нимага қизиқади, нимани суяди, уни нима қийнамоқда? Келинг, шу ҳақда фикр юритиб кўрайлик.

Болалар гавжум синф хонаси. Синфдошлар даврасидаман. Улар нақадар беғубор, нақадар кўнгли пок болалар.

Азиз болажонлар! Бугунги тарбиявий соатимизнинг мавзуси "Оиламиз даврасида". Ҳар бирингиз овқатланиш, дам олиш, меҳнат қилиш, меҳмонга бориш ҳақида мулоҳаза қилиб кўринг, сўнгра эса баҳслашамиз...

Тайёрмисизлар?

— Қани Давронжон, сизлар оилада қандай овқатланасизлар? Фақат тўғри сўзлаш шарт. Чунки ёлғон сўз ҳеч қачон яхшилик келтирмайди.

— Овқат вақтида мен ва укам алоҳида бурчақдаги хонтахтада овқат еймиз. Дадам ва онам эса телевизор олдида кулишиб, гаплашиб овқат ейдилар.

— Давронжон, сен улар билан ўтиришни хоҳлайсанми?

— Албатта, жуда ҳам хоҳлайман, уларга ақлли бола эканлигимни кўрсатгим келади. Овқатимни тўкмайман. Аммо онам сира ҳам эшитишни истамайдилар. Улар чарчар эканлар-да.

— Майли Давронжон, мен онангизни кўрсам айтаман. Энди бирга ўтириб овқатланинглар. Давронбек ақлли бола деб илтимос қиламан.

— Санжар сизлар овқатдан сўнг уйда қандай дам оласизлар?

— Мен оилада энг кенжа ўғилман. Акаларим, опаларим уйда кам бўлишади. Дарс тайёрла, деб мени уйга қамаб қўйишади. Мен математика, оан тили дарсида машқлар бажарай десам, шартини тушунмайман. Ёрдам сўрасам калтак ейман, шунинг учун телевизорга мўралаб бир оз вақтни ўтказаман. Сўнгра ухлайман. Дадам ва онам билан бирга дарс қилгим келади. Улар эса баджаҳл. Бақироқ.

Болалар синфни бошларига кўтаргудек куладилар. Мен ҳам уларга қўшилиб куламан.

— Сиз хафа бўлманг, Санжарбек. Ахир вазифани яхшилаб тушуниб олиш керак. Қайта-қайта ўқиш керак. Буни чорасини топамиз.

— Йўқ, аяжонимга айтманг, дадамнинг жаҳллари ёмон, йўқса яна урушадилар.

— Нигора, айтинг-чи, сизлар уй юмушларини қандай бажарасизлар. Кеча дарсдан сўнг нима иш қилдингиз?

— Ҳовлида турли тартибсиз нарсаларни тозаладик. Дадам ва укам тарновни тозалашди. Мен супурдим. Кўшнимизникига меҳмон келган экан, озгина гуруч сўраб чиқди. Онам бермоқчи эди, дадам сўкди. Гуруч йўқ-ку, бор дейсан, деб. Берсак қайтиб бермас экан-да. Шунинг учун алдадилар.

— Йўқ, алдамаслик керак эди, тўғрими?

— Ҳа, лекин билмадим, доим дадам шунақа қиладилар. Кўшнилар дадам бўлсалар чиқишмайди. Онам улар бўлмасалар яшириб бирор нарсаларни берадилар, қизғанмайдилар. Шунинг учун онамни яхши кўраман.

— Йўқ дадани ҳам яхши кўриш керак. Улар сизларни боқадилар.

— Қани, Лола қиз! Сизлар меҳмонга борасизларми?

— Ҳа, уч кундан сўнг холамникида тўй. Тўйга мени ҳам олиб борадилар.

Уй пойлайман. Кўшниларимиз ёмон, товуқларимизнинг тухумини олиб чиқиб кетишади. Тўй ини катта опамни олиб келар эканмиз. Улар уй пойлайдилар. Биз тўйда мазза қилиб ўйнаб келамиз. Уларга ҳам ош олиб келар эканмиз.

— Лолахон, ахир дарс-чи?

— Онам уч кунда олим бўлмайсан, сўраш шарт эмас, мактабингдан. Домлаларинг ким бўлибди, кўркма, сени хафа қилса адабини бераман, - дедилар.

Қани, болалар билан суҳбатни якунлайлик-чи. Дарсни қолдириш яхши эмас! Тўғрими?

— Ҳа.

Она-оталаримизга тушунтирамиза?

Ҳа.

Ўқувчиларнинг гапларини эшитиб бехол ўйга чўмасан киши.

Биз оилада қандай режа билан яшаяпмиз. Нима учун аксарият ўқувчимнинг ота-онаси боласини алоҳида овқатлантиради? Уларга овқатланиш маданиятини, меҳр-муҳаббатли бўлишни ким ўргатади. Ўз меҳрибонларимизни бурчакка итарсак, у қандай қилиб меҳрибон бола бўлиб улғайсин.

Уларга маҳалла-кўй билан иноқ бўлишни ким ўргатади? Бир ночорга саховат қила олмасак, қайтиб бериш учун ҳам нарса бера олмасак.

Уларга аълочи бўлиш учун тинмай ўқитувчи топшириғини бажаришларида ёрдам бериш ўрнига жазоласак. Оқибати қандай бўлади? Нега уларга ёрдам бермаймиз? Оила деганда нимани тушунамиз ўзи? Наҳот ҳозирдан ўз келажак орзуларимизга замин тайёрлаш кераклигини унутган бўлсак?

Мен ушбу ўйларимни Навоий бобомиз ҳақида бир ривоят билан якунламоқчиман.

Эмишким, бир подшоҳ ўзи туғилган кунда дунёга келган ҳар бир зотни 15 ёшга тўлгач ўлдирар экан. Шу подшоҳ ҳукмронлигидаги шаҳарга Навоий бобомиз бориб қолибдилар. Бир уйнинг остонасида ғариб бир она йиғлаб ўтирар экан. Ҳазрат сабабини сўрабдилар. Она серфарзандлигини, лекин ўн беш ёшли ўғли эртага шоҳ фармони билан ўлдирилишини айтибди.

Шунда Навоий 15 ёшли навқирон ўғилни ёнларига чақириб дебдиларки, онангиз сутидан хамир қордириб, иккита кулча ёптириб, дор остига олиб борасиз. Подшоҳ охирги тилагингизни сўраганда, сиз у кишига нон узатасиз. У захар қўшган нон дея ҳайрон бўлади. Ўзингиз бирини синдириб ярмини енг, ярмини у кишига беринг, дебдилар. Бола эртасига шу ишни қилибди. Шоҳ бола берган яримта нонни егач, бирдан унда меҳр пайдо бўлибди ва болани яхши кўриб ўлдирмабди. Уни ўз инисидек севиб қолибди. Сўнгра уни вазир қилиб олиб кетибди. Шу тахлит подшоҳ бу мудҳиш одатидан воз кечибди.

Келинг, азиз юртдошлар! Меҳр-оқибатли бўлайлик. Оқ сут бериб боққан боламизни ўзимиздан бездирмайлик. Ахир бу сут бегонани дўст қилишга қодир экан. Биз ўз зурриётларимизни қадрига етиб яшайлик. Шунда "Улуғ оила", "Аҳил қариндошлар" деган шарафга эришамиз.

Мавлуда МУСАЕВА,
Чуст туманидаги 19-мактаб ўқитувчиси

ФИКРЛАШ АЗОБИ

(Боши 1-бетда)

Жамоатчилик фикри ҳукмрон жойда мустақил фикр шахс шакллана олмайди.

Болада фикр уйғотиш ўқитувчидан юксак моҳирликни талаб қилади. Аслида ўқитувчиликнинг бор масъулияти ҳам шунда. Бу масъулиятни бошқа нарсаларга алмаштирмаслик керак. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчига Ҳазрат Кубронинг Ватан байроғини қучоқлаб жон берганини айтиш эмас, нима учун шундай қилганини айтиб бериши бирламчидир.

Бир ривоятда айтишларича, Ҳазрат Яссавийнинг устози бир куни беш-олтита болаларни тўплаб, эртага ҳамма биттадан хўроз сўйиб келишини буюради ва шундай шарт қўядики, хўрозни сўйганини ҳеч ким, ҳатто Худо ҳам билмаслиги керак. Эртасига ҳамма болалар айтилганидек, биттадан хўроз сўйиб келишади. Фақат Яссавий хўрозни тириклай олиб келади. Шунда бунинг сабабини сўраган устозига Ҳазрат шундай жавоб қилган эканлар: Хўрозни сўйишга кўп уриндим. Ҳеч ким кўрмайдиган жойни топдиму, лекин худо кўрмайдиган жойини тополмадим.

Ўқитувчи ўқувчини фикрлашга мажбур этди. Худосиз жой йўқлигини ўзи айтмади, ўқувчи топди. Фикр — дунёнинг берк эшикларини очгувчидир.

Дарҳақиқат, инсон дунёда икки марта туғилади. Иккинчи туғилиш — англашдир. Англаш нима? Англаш — туғилмоқнинг ўлмоқдай масъулиятни ҳис қилишдир. Англаш — кимлигини, қаердалигини ва нима учун шу ердалигини билишдир. Англаш — ўз халқини, миллатини, ватанини севиш ва фахрлана олишдир. Фақат англаш учун соғлом фикр керак. Фикрлаш бахти эса машаққатли йўллар, азоблар ортидадир. Зеро, англаш азоби, фикрлаш азоби муқаддас азоб!

Алишер НАЗАР

Sport

ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Пайариқ тумани 54-махсус мактаб-интернатда Республика ўқувчиларининг V спартакиадаси доирасида дюздо кураши бўйича 1982-1983 йилларда туғилган ўқувчиларнинг вилоят жамоа ва шахсий биринчилиги бўлиб ўтди. Қизиқарли ўтган беллашувда умумжамоа ҳисобида Пайариқ тумани ўқувчилари 1-, Самарқанд ва Пастдарғом туманлари 2-,3- ўринларни эгаллашди. Л.Норматов, У.Аҳмедов, З.Бердиев каби дюздочилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мусобақада қиз болалар ҳам нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўйишди. Л.Мансурова, Д.Сувонова, Н.Элмирзаева ва бошқа қизлар ҳаммани лол қолдиришди.

Совриндор ва ғолибларга вилоят халқ таълими бўлимининг дипломи ва эсдалик совғалари берилди.

Шу куни Самарқанд шаҳрида вилоят биринчилиги учун баскетбол мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. Унда Самарқанд шаҳри баскетболчилари 1-, Нарпай ва Каттақўрғон туманлари баскетболчи йигитлари кейинги ўринларни эгаллаган бўлсалар, Самарқанд ва Нарпай тумани қизлар жамоаси ҳам ўғил болалар ғалабасини такрорладилар. 3-ўрин соҳиби бўлган Пастдарғомлик қизлар ҳам кучли эканликларини намойиш этишди.

Ғолиблар 5-спартакиаданинг Республика босқичида қатнашиш учун йўлланма ва эсдалик совғалар олишди.

Мамажон АҲМЕДОВ

Ko'ngil bitiklari

Шоира Шарбат Мухторова номи шеърият ихлосмандларига яхши таниш. Унинг қаламига мансуб қатор наср ва назмий китоблар аллақачон ўқувчилар меҳрини қозониб улгурган. Айни кунларда умрининг ярим асрлик баҳорини қаршилаган шоирага ижодий баркамоллик тилаб, янги шеърларидан намуналар беришни лозим топдик.

ЮРАГИМДА ЎЗ ЮЛДУЗИМ БОР

Бошим узра ложувард осмон,
Марвариддек сочилган юлдуз.
Нурга тўла азиз ошиён,
Нурга тўла бутун дала-туз.

Тарам-тарам эшилар ёғду,
Борлиқ гўзал зар шуъла билан.
Бир зум дилдан кетади қайғу,
Юлдуз имлар минг жилва билан.

Имламангиз гужғон юлдузлар,
Чорламасин кўкдаги гулшан.
Ер аталмиш бир сайёра бор,
Мени чорлар ундаги чаман.

Сиз билмаган ҳарорат, меҳр,
Кўкси аро унинг жобажо,
Ҳар қадамда ҳис тўла сеҳр,
Кўзларимда порлайди зиё.

Мен инсонман, ёруғ дунёга,
Фақат севмоқ учун туғилдим.
Ҳам севилдим, жонбахш навода
Ширин дардни, ҳам бахтни туйдим.

Имламангиз бир талай юлдуз,
Чорлама кўк - шуъолали зангор.
Қалбда ёнар кеча ва кундуз,
Юрагимда ўз юлдузим бор.

ШОҲСУВОРИМ КЎЗЛАДИМ

/Халқ оҳангида/

Тизим-тизим турналарим,
Сизга бир сўз сўзлайин,
Бирпас тўхтанг, турналарим,
Мен дардимни куйлайин.

Жон турналар, тўхтанг, меҳрим
Қуксингизга жойлай мен.
Ўрим-ўрим қора сочим,
Тизимларга бойлай мен.

Олислардан, кўп ичидан
Бир йиғитни сайладим.
Майдонлардан, мард ичидан
Уни ҳамдард айладим.

Усиз ўтар умрим менинг
Ўтинчларим, айтасиз.
Соғинчларим, дардим менинг
Қачон айтиб, қайтасиз?

Ҳалқа-ҳалқа ёшлар билан,
Сизга бир сўз сўзладим.
Қанотингиз беринг қушлар,
Шоҳсуворим кўзладим.

Шарбат МУХТОРОВА

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Yangi alifboni o'rganamiz

Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этилиши жуда катта ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий аҳамиятга эга. Нафақат таълим тизимининг барча бўғинларида, балки корхона ва муассасаларда, ташкилотларда ҳам янги алифбо ва имло ўрганилмоқда. Миллий гуруҳларга доир талайгина ўқув қўлланмалари яратилади. Бироқ таълим бошқа тилларида олиб бориладиган мактаб ўқитувчилари учун янги ўзбек алифбоси ва имлосига тааллуқли ўқув қўлланмалари йўқ эди. Кенг омма учун бундай қўлланмаларга талаб ва эҳтиёж катта, албатта. Бу борада Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессори Шарифа Қориева ва доцент Суннатулла Ризаев томонидан яратилган "Янги ўзбек лотин ёзувини ўрганамиз" ("Изучаем латинскую графику узбекского языка") номли қўлланмаси диққатга сазовордир.

Рус гуруҳлар учун мўлжалланган мазкур ўқув қўлланмаси тўрт қисмдан иборат бўлиб, буларнинг барчаси ўқувчи-талабаларнинг лотин ҳарфларига асосланган ўзбек алифбоси ва имлосини ўрганишга оид турли хил машқлар, савол ва топшириқлар, топқирлик ва зукколикка тегишли ўйин машқлари, бошқотирмаларни ўз ичига олади. Айниқса, ўқувчи-талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқларини ўстиришга, ривожлантиришга бағишланган машқлари, матнлар ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ва ўринли танлаганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Қўлланмада келтирилган машқлар ва ўқиш учун танлаган матнлар нафақат янги ўзбек лотин алифбоси ва имлосини ўрганишга, балки рус гуруҳлари учун ўзбек тилини жадалроқ ўрганиб олишларига ҳам яқиндан кўмаклашади.

Маҳкам ҚЎЧҚОРОВ

КЎКЛАМ ТАОМЛАРИ

ЁХУД БОБОЛАРИМИЗ БАҲОРДА ЙЎҚЧИЛИКДАН КЎКАТЛАР ТАНОВУЛ ҚИЛИШГАНМИ?

Мустақиллик шарофати ила биз барча Шарқ халқлари сингари Наврўзни – янги кун, Янги йил, табиатнинг жонланиши, уйғониши, янгиланиши, ёшариши, деҳқончилик байрами сифатида ўзгача бир кўтаринкилик билан нишонлаб келмоқдамиз. Наврўз асрлар давомида одамларга, она ерга, қушларга ва табиатга меҳр-муҳаббат, унга аваллаб муносабатда бўлиш ва уни ардоқлаш туйғуларини сингдирган, меҳнат ва аҳлоқ-одоб тарбиясида муҳим аҳамият касб этган.

Баҳор фасллар ичида энг гўзал, энг нозик фаслдир. Унинг об-ҳавоси инсон танасини ҳамма жисмига: асаб тизими, юрак қон томирлар тизимига, ошқозон ичак тизимига, оёқ-қўл бўғинларига ва бошқа аъзоларига ўз таъсирини ўтказади. Ундан ташқари баҳор инсон организмидаги ҳар хил сурункали касалликларни қўзғатувчи фасл ҳамдир. Чунки одам организмидаги ёз ва куз ойларида жамланган минерал моддалар ва микроэлементлар, айниқса (С, P_1 PP, А, B_1, B_2, B_6, B_{12}, Д, Е ва бошқалар) витаминлар қишда кўп сарфланади. Баҳорга келиб уларнинг танадаги миқдори анчагина камайиб кетади. Бунинг оқибатида умумий модда алмашинуви бузилади, шу билан бутун асаб тизимининг қўзғалувчанлиги ошиб, ҳар хил сурункали касалликларни, аллергик касалликларнинг хуружига олиб келади. Кишида қандайдир камқувватлик, уйқусизлик, камқонлик, асаб таранглашиши, бош оғриши, бўғин оғриши, юрак оғриши, нафас олиш қийинлашиши ва бошқа аломатлар содир бўлади. Бундай ҳолатни отабоболаримиз «Илик узилди» даври деб атаганлар ёки инсоннинг қуввати дарахтларга ўтади ҳам деганлар. Бу каби хасталикларга даво ҳам баҳорнинг ўзида. Кўкатлари ва улардан тайёрланган минерал, миқдор элемент моддали ва витаминга бой таомларни истеъмол қилиб туриш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам Наврўз кўкатлари ва таомлари ўзига хос бўлган. Айниқса, ялпиз, исмалоқ, қоқи, отқулоқ, жағ-жағ, кўк пиёз, саримсоқ, петрушка, кашнич, укроп, редиска, беда, довучча ва токнинг баргида минерал моддалар, микроэлементлар, витаминлар кўпдир. Улардан ҳар хил таомлар (кўк нон, кўк сомса, кўк чучвара ва бошқа) ва суюқ овқатлар (мастава, мошхўрда, шўрва, лағмон, угра,ош ва бошқа) тайёрлаб истеъмол қилиш кони қувватдир. Азалдан фаровонлик рамзи сифатида Наврўз дастурхонига буғдой, арпа, нўхат, ловия, жўхори, мош солиб пиширилган гўжа оши тортилган, сумалак ва ҳалим эса байрам дастурхонининг кўрки сифатида эъзозланган. Аслида бундай таомларга ҳурмат ва эҳтиромнинг боиси илк баҳорда силласи қуриган, илигидан мадор кетган, дармонсиз бўлиб қолган, қонида ҳаёт учун зарур моддалар етишма-ётган кишиларга бу таомлар жон озиғи бўлиб , кучқувват, яхши кайфият бағишлаган. Эрта баҳорда оғзи кўк ўтларга теккан сигир, эчки ва қўйларнинг сути, биянинг қимизи, туянинг сути, қимрони сервитамин бўлиб, кишини баҳор шароитига тез мослаштириши аниқланган. Сумалак баҳор, Наврўз таоми бўлиб, бу сервитамин (С, Е ва В) ҳаётбахш таом халқ яратувчанлигининг намунасидир. «Илик узилди» баҳор кунларида сумалак қонимизни тозалаб, жисмимизни қувватга тўлдиради. Олимимиз К.Маҳмудов ўзининг «Ўзбек таомлари» асарида сумалакни шундай деб таърифлайди: «Сумалак Е витаминнинг манбаи бўлиб эркакларни наслсизлик касалидан ва аёлларни бевақт бола ташлаш офатидан асрайди». Сумалак гипертония касалига даво. Ошқозоничак йўлини тозалайди. Ични яхши юриштиради, асабни тинчлантириб, яхши ухлатади. Чунончи сумалак пиширилган куни овқат емай ёлғиз шу таом билан икки кунга пархез қилинмоқ даркор. Агар бошқа таомлар танаввул қилиб спиртли ичимлик ичса, сумалакнинг шифолиги қирқилиб кетади ва кишини жуда оғир дардларга мубтало қилиши мумкин. Халқ табобатида ва илмий тиббиётда ҳалим таркибидаги экстратив моддалар меъда-ичак фаолиятини яхшилаши, марказий асаб тизимига ижобий таъсир қилиши, мия, юрак ҳаракатини фаоллаштиришга ёрдам беришини исботлаган. Бекорга халқимиз орасида «Наврўзгача омон қолса, яна яшаб кетади» дейилмаган. Чиндан ҳам қиш машаққатларидан бир амаллаб чиқиб олган сурункали дарди бор хастали кишилар Наврўз неъматларидан баҳраманд бўлишиб, дардларига шифо топганлар. Ҳа, азиз юртдошларимиз, халқимизнинг Наврўзни интизорлик билан кутиши, йилнинг энг катта ва мўътабар байрами сифатида шодиёнага айлантиришининг боиси ҳам шунда. Ота-боболаримиз, она-момоларимиз очликдан, йўқчиликдан кўкатлардан тановул қилишмаган. Қолаверса, халқимизнинг фотиҳага қўл очиб, «Келаси Наврўз кунларига эсон-омон етказсин», деб дуо қилишлари хосияти ҳам шундадир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Xullas...

«КАСАЛ»ЛАРГА «ТЕЗ ЁРДАМ»

«Тез ёрдам»нинг номи ўзига яраша. Ҳаёти қил устида турган кишининг жонини сақлаб қолиш учун уларга мурожаат қилинади. Аммо баъзи бир «тез ёрдам» машинасида ўтирган оқ халатлилар шифокор эмас, ўғри бўлиб чиқишаётганига нима дейсиз?

Молдова республикасининг Ниспоренский туманига қарашли қишлоқлардан бирида «Тез ёрдам» белгиси туширилган «РАФ» пайдо бўлди. Машина ёлғиз яшайдиган чолнинг уйи олдида тўхтади. Қўни-қўшнилар таажжубда. «Чолнинг аҳволи оғирлашибди, шекилли»

Оқ халатли «шифокор»лар замбилда «бемор»ларни олиб чиқиб кетишаётганда, томошабинлар турган жойларида қотиб қолишди. Замбилда уй эгаси эмас, унинг чўчқалари ётарди. Чолнинг қаёққадир кетганидан хабардор бўлган «тез ёрдам»чилар «доктор» Виталий Сас ва унинг ҳамтовоқлари бундай «операция»нинг бир нечтасини амалга оширишиб, устаси фаранг бўлиб кетишган эди. «Қишлоқ одамлари соддадил, нимани билиб ўтирибди», деб ўйлашган фирибгарларнинг «ўйини»га нуқта қўйилди. Чунки соддадил кишилардан бири буни аввалдан сезиб юрар, уларни қўлга тушириш учун эса миршабларни огоҳ этиб қўйганди.

ОБИ-ТОБИДА УХЛАНГ

Бир кеча-кундузда 8 соатлик уйқу нормал ҳол. Шунча вақт ухламаган киши чарчаб қолиши табиий.

Маълум бўлишича, англияликлар 8 соатлик уйқуни қисқартиришаётган экан. Бунга сабаб нима? Албатта, вақтдан ютишга интилиш. Лекин вақтни ўз манфаатларига бўйсундирмоқчи бўлганларда иш унумдорлиги пасайиб кетиши аниқланди. Англиялик тадқиқотчилар яна шуни аниқлашдики, оби-тобида ухламаслик ақлий ва жисмоний меҳнат коэффициентини 15 босқичга камайтиради.

Италиялик шифокорлар томонидан уюштирилган тест натижалари эса шундай: уйқуга қонмаслик инфаркт ва инсультни келтириб чиқаради. Демак, вақтида мазза қилиб ухлашга одатланган кишининг соғлиги ҳам жойида, иши ҳам.

ПЛАСТМАССА СИГАРЕТА

Австралияни шов-шувли хабар бир қалқитиб юборди.

Шахсий компаниялардан бирининг директори Роберт Уогснинг ихтиросидан хабардор бўлганлар қойил қолишди. У оловсиз ва тутунсиз сигаретани ихтиро қилган эди. Сигаретанинг шакли ва ўлчами оддий сигаретаникидек. Фарқи шундаки, у қоғоздан эмас, пластмассадан ёки керамикадан ясалган. Оловнинг кераги йўқ, никотин кам миқдорда.

Хўш, оловсиз сигаретанинг афзаллиги нимада? Оловсиз бўлгач, тутун ҳам йўқ. Бу энг асосийси бўлиб, нафас йўллари учун мутлақо зарарсиз, деган хулосани мутахассислар билдиришаётган эмиш.

МАШИНА ҒАЛАДОНИДАГИ «ЎЛИМ»

Сочининг Адлер шоссесида соатига 90 км. тезлик билан кетаётган автомашина парча-парча бўлиб кетди. Бу — фалокат қош билан қовоқнинг ўртасида макон тутганига бир мисолми ёки..

Криминалистлар фожеа сабабини дарҳол аниқлашди. Автомашина эгаси ҳар эҳтимолга қарши машина ғаладонида портловчи модда сақлаб юрар экан. Шўрлик ўзига - ўзи ўлим келтириб чиқаришини тушида ҳам кўрмаган бўлса керак...

ana shunaqa gaplar...

Bo'sh vaqtlarda

БОЗОРДА

Деҳқон бозорга тўла саватда сотиш учун олмалар олиб келди. Биринчи харидорга у ҳамма олмаларидан ярмини ва қўшимча яримта олма, иккинчи харидорга қолган олмаларнинг ярмини ва яримта олма, учинчи харидорга қолган олмаларнинг ярми ва яна яримта олма ва ҳоказо сотди. Олтинчи харидор келганда, деҳқон унга қолганини ва яримта олма сотди. Унда ҳам бошқа харидорларникидек ҳамма олмалари бутун ва деҳқон унга бор олмасини сотган эди. Деҳқон бозорга қанча олма олиб келган?

* * *

Учта сотувчида 21 та бочка бор, яъни: 7 та бочка тўла квас, 7 та ярми тўла ва 7 та бўш. Қандай қилиб улар тенг миқдорда квас ва бочкаларни бўлишиб олишади? Лекин квасни бошқа бочкаларга қуйиш мумкин эмас.

О. КОЖАНОВА тайёрлади.

QUTLOV

ҲУРМАТЛИ МАҲМУД ЭРҒАШЕВИЧ!

Қутлуғ ярим асрлик ёшингиз муборак бўлсин! Ушбу шодиёна кунда умрингиз узоқ, толеингиз янада порлоқ бўлишини тилаймиз! Кўнглингиздаги барча эзгу ниятларингиз амалга ошсин! Соғу саломат бўлинг.

Тошкент вилояти «Таълим - таъминот» корхонаси жамоаси

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВИАЦИЯ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАР УЧУН КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— кафедра мудири
— профессор
— доцент
— катта ўқитувчи
— ўқитувчи ва асиссент

Конкурсда иштирок этиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб, 1999 йилнинг 25 апрелигача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил:

700047, Тошкент шаҳар Охунбобоев кўчаси, 12 - уй 34 - хона, Кадрлар бўлими.

Телефон: 136 - 76 - 79.

РЕКТОРАТ

ТУЛКИНИ ЛОЛ ҚОЛДИРДИ

Қарға гўштни тишлаб дарахтда ўтирса, тулки келиб айёрлик билан «Қарғажон, қарғажон гўштни қаердан олиб келяпсан» деди. Қарға «Каттақўрғондан» деса, оғзидаги гўшт тўғри тулкининг оғзига тушди.

Қарғага роса алам қилиб, «Шошмайтур», деб яна каттагина гўштни тишлаб тулкини пойлаб турса, тулки келиб яна «Қарғажон, қарғажон бу гўштни қаердан олиб келяпсан деса, Қарға «Ғиждувондан», деб яна ҳам маҳкам тишланиб жавоб берибди.

Endi kulamiz...

КИМ КЎП «ДАСТХАТ» БЕРАДИ

Ўқитувчилар малакасини ошириш институти курс тингловчиси дўстидан сўрабди:

— Бизда энг кўп дастхат берадиган ким?

— Бизнинг раҳбарда, — деб жавоб берибди ёнида турган институтнинг ҳазилкаш ходими.

— Ия, улар машҳур хонанда ёки актёрмилар?

— Йўқ, улар ойда 500-600 та тингловчиларига курсни тугатганлик ҳақида гувоҳномаларга имзо чекади.

Санжар МИРСОЛИҲОВ

ЗАМОНАМИЗНИНГ КИЧИК ҚАҲРАМОНЛАРИ

Fahr



Бу гал замонамизнинг икки ёш қаҳрамони ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Қаҳрамон деганда ўша лаҳзадаёқ шуурримизда ватан дея курашган, курашаётган қиёфа гавдаланади. Дарҳақиқат, бизнинг қаҳрамонларимиз ҳам ҳали анча ёш бўлишларига қарамай, Ўзбекистон шарафи учун майдонга чиқиб, узоқ ўлкаларда кўп бора унинг байроғини баланд-баландликда мағрур ҳилпиратишга улгуришди. Шу қадар юксакликда ҳилпиратишдики, унга бутун жаҳон аҳли гувоҳ бўлди.

Дарвоқе, қаҳрамонлар билан таништирсак. Улар Қашқадарё вилоятида вояга етаётган умидли, истеъдодли каратэчилар. Каттаси Шерзод Ибрагимов 15 ёшда. Қарши шаҳридаги 1-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси. 4 марта Республика чемпиони, Осиё чемпиони, МДҲ халқаро турнири ғолиби (Украина), ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони (Англия), Жаҳон кубоги ғолиби (Венгрия), 1-дан қора белбоғ соҳиби.

Кичиги Нодир Хўжаев 10 ёшда. Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 4-синф ўқувчиси. 3 марта вилоят, 2 марта Республика чемпиони, МДҲ халқаро турнирининг кумуш медал совриндори, Венгрияда ўтган жаҳон кубогининг 4-ўрин соҳиби. Яна улар мактабларининг аъло ўқувчиларидан.

Мусобақалар, машқларнинг дарсларни ўзлаштиришга салбий таъсири бўлмаяптими, дея сўраганимда улар қатъият билан аксинча дейишди.

Шу ўринда ҳам улар спорт билан шуғулланадиган боланинг кўча боласидан фарқини ўзларида мужассам эта олишган.

Уларнинг тобланаётган иродаси дарсларни пухта ўзлаштиришга муҳим омил бўлаяпти. Яна бўш вақтларининг бўлмаслигини ҳам айтишдики, демак, улар ҳар турли беъмани одатларга иштиёқманд бўлмайди.

Ёшлар етук спортчи бўлиб камол топишида А. Содиқов, Н. Нафасовларнинг хизматлари қанчалик катта бўлаётган бўлса, мусобақаларда иштирок этишда ҳимматини аяшмаётган ҳомийлардан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, шахсан ҳоким Ш. Бегматов, вилоят «Пахта саноати сотиш» ҳиссадорлик жамияти раиси А. Полвонларнинг ҳам ёрдами тегаётганлигини таъкидлаб ўтишимизни сўрашди.

Қаҳрамонларимиз яқин кунларда Австралияда бошланадиган жаҳон кубоги мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиш учун ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўришмоқда. Бу гал ҳам олдинги қаторларни забт этиш иштиёқида ёнишаяпти.

Рустам БЎРОН

Sport

НИМА БИЗГА АМЕРИКА?

Нью-Йорк шаҳрида ўтказилган дзюдо бўйича халқаро турнирга спортчиларимиз бекорга харажат сарфлаб боришмаганини кўрсатишди. Улар юртимизга 2 олтин ва 1 кумуш медални олиб қайтишди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗ ҲАМ БОШЛАШДИ

Бугун соат 16^{00} да пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси футболчилари қирғизистонликларга қарши майдонга тушади. Бу футболчиларимизнинг «Сидней-2000» олимпиадаси саралаш баҳсининг дастлабки ўйини.

КЎНЧИҚАРДА НИМА ГАП?

Теннис бўйича норасмий жаҳон чемпионати — «Девискубоги»нинг минтақавий беллашувида ўзбекистонликлар чекига «кунчиқар юрт»га ташриф буюриш ёзилганди. Айни кунларда спортчиларимиз Токиода майдон эгалари билан роса «ташлашаяпти».

УЛКАН ҒАЛАБА

Хельсинкида ўтган фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати ушбу турнирнинг 1 асрлик тарихида илк бор рўй берган воқеанинг гувоҳи бўлишди. Мусобақа таркибига киритилган барча 4 олтин медални бир юрт спортчилари, яъни россияликлар олиб кетишди.

АЛВИДО

Миллионларнинг севимли «кумири», афсонавий футболчи, собиқ иттифоқда спортнинг бу тури ривожига улкан ҳисса қўшган, футбол «профессори» Игорь Нетто 70 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

maydonchasi

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси, Навоий вилояти халқ таълими бўлимининг собиқ мудири, таълим фахрийси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи **Арслон РАЖАБОВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 57.532. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерн босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.